O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI




# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ • Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • www.uzas.uz • 2010-yil, 26-noyabr • № 48 (4083)


# АДАБИЁТ ЯШАСА — МИЛЛАТ ЯШАЙДИ

***Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг "Дўрмон" ижод уйида ёш ижодкорларнинг республика семинар-кенгаши бўлиб ўтмоқда.***

***Барча вилоятлар ва Қорақалпоғистон республикасидан ташриф буюрган ёшлар ҳафта давомида назм ва наср йўналишидаги "Маҳорат сирлари" дарсларида қатнашиб, тажрибали шоир ва ёзувчилар, адабиётшунос олимлардан сабоқ олдилар. Семинар-кенгаш доирасида устоз адиблар билан қизиқарли учрашувлар, пойтахтнинг диққатга сазовор жойлари, атоқли адибларнинг уй-музейлари, театрларга экскурсиялар уюштирилди.***

Ўз боғининг ҳамиша гуркираб яшнаб туришини, ундан мўл-кўл, ширин-шакар мева олишни истаган боғбон узлуксиз равишда янги кўчатлар ўтказиб бориши, уларни ногаҳоний иссиқ-совуқ шамоллар хуружидан омон сақлаши, алоҳида меҳр кўрсатиб парвариш этиши лозим. Янги ниҳоллар билан бойитилмаган боғдан эса мурод ҳосил бўлмайди.

Адабиётни ҳам шунга менгзаш мумкин. Ёш ижодкор мисоли бир навниҳолдир. У ҳар қанча истеъдодли бўлмасин, қўлидан тутилмаса, илк қадамлари қувватланмаса, истеъдод куртаклари барг чиқариши, гуллаши, кутилган натижа бериши маҳол.

Юртбошимиз "Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор" рисоласида адабиётнинг катта куч эканлигини эътироф этиш баробарида, ёш ижодкорларга алоҳида эътибор қаратгани, Ёзувчилар уюшмаси олдига бу борада қатор вазифалар қўйгани бежиз эмас. Зеро, ҳамиша ёш бўғинлар билан қувватланган адабиёт ривожланишдан тўхтамайди, тобора юксалиб боради.

Шу йилнинг аввалида Президентимиз қарори билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида "Ижод" фонди ташкил этилган эди. Тегишли маблағ ва имкониятлар билан таъминланган мазкур фонд кенг қўламдаги ишларнинг амалга оширилишига бош-қош бўлди. Жумладан, "Дўрмон" ижод уйи капитал таъмирдан чиқарилди. Катта китоб фондига эга бўлган кутубхона, дам олиш, шахмат-шашка хоналари, ошхона, бассейн барпо этилди. Ижод уйи атрофидаги уч гектар майдон кўкаламзорлаштирилиб, боғ янгиланди. Бир сўз билан айтганда, адабиётимизнинг забардаст намояндалари пойқадами теккан табаррук маскан бу йилги ёш ижодкорлар республика семинар-кенгаши қатнашчиларини — адабиётимизга навқиронлик, куч-қувват бахш этиш умидида изланаётган истеъдодли йигит-қизларни бутунлай янги қиёфада қарши олди.

Анжуманнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Бобур Алимов, Ўзбекистон Қаҳрамонлари, атоқли шоирларимиз Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов сўзга чиқиб, анжуман қатнашчиларини самимий қутладилар. Устоз адибларнинг мамлакатимизда ижод аҳлига кўрсатилаётган эътибор, адабиётнинг жамият ҳаётидаги ўрни, қалам аҳлининг масъулияти, Ватан ва миллат олдидаги бурчи хусусидаги фикрлари ҳам ёшларда катта таассурот қолдирди.

Семинарнинг наср ва назм шўъбаларида ўтказилган машғулотларда ёшларнинг шеър ва ҳикоялари тингланди. Таниқли ижодкорлар И.Ғафуров, У.Азим, С.Саййид, И.Мирзо, Т.Адашбоев, А.Аъзам, С.Ҳаким, И.Отамурод, Р.Мусурмон, С.Ўнар бошчилигида ёш ижодкорларнинг асарлари таҳлил қилинди. Асарлардаги ютуқ ва камчиликлар ёшларнинг фаол иштирокида муҳокама этилди. "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси, "Шарқ юлдузи" ва "Ёшлик" журналлари жамоалари билан бўлган ижодий учрашувлар ёшлар мушоирасига айланиб кетди.

Ижодкор ёшлар учун махсус ташкил этилган "Маҳорат сирлари" дарсларида адабиётшунос олим Шуҳрат Ризаев "Озод Шарафиддиновнинг маҳорат мактаби", Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо "Муҳаммад Юсуфнинг маҳорат мактаби" мавзусида қизиқарли маъруза ўқидилар,Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов билан бўлиб ўтган ижодий учрашув ҳам ўзига хос маҳорат мактаби бўлди.

Семинар иштирокчилари кейинги йилларда бутунлай янгича қиёфа касб этган Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари бўйлаб саёҳат қилдилар. Ўзбекистон Миллий боғидаги Алишер Навоий ҳайкали пойига гул қўйилди. "Мустақиллик ва эзгулик" монументи, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор ҳайкаллари зиёрат қилиниб, таниқли шоир ва ёзувчиларнинг уй-музейлари бориб кўрилди.

Семинар қатнашчиларининг адабиётимизнинг етук намояндалари билан учрашувлари, ўз асарларини устозлар назаридан ўтказиб, уларнинг қимматли фикрларини сабоқ сифатида қабул қилишлари, шубҳасиз, катта аҳамият касб этади. Чинакам истеъдод ёзган шеърининг бир сатридаёқ ёхуд ҳикоясининг бир жумласидаёқ ўзини намоён қила олади.

Маълумки, бадиий асарни ёзишга ўргатиб бўлмайди. Аммо, "йилт" этган истеъдод нишонасини илғаб олиш, уни рўёбга чиқаришга ёрдам бериш бошқа масала. Юртбошимиз ўзининг "Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор" асарида Ёзувчилар уюшмаси олдига айнан ана шу масалани қатъий вазифа қилиб қўйди.

Дўрмон анжумани бошловчи ижодкорлар ҳаётида туб бурилиш ясаши шубҳасиз. Энг муҳими, ҳали йўл бошида турган ёшлар адабиёт виждон иши эканлигини, ижодкор бу йўлда нимага эришса, фақат ўз машаққатли меҳнати, ҳаловатсиз туну кунлардаги изланишлари эвазига эришажагини англаб, халқнинг дарду ташвишини ўз дарди ва ташвишидек қабул қила олиши, ҳар қачон, ҳар ерда рост сўзни айтишга ўзида журъат топа билиши, Ватан олдида ўзини бурчли ҳисоблаши лозимлигини англаб етса, анжуман кўзда тутган ўз мақсадига эришган бўлади.

Таъкидлаш жоизки, ёш ижодкорларнинг республика семинар-кенгаши янги истеъдодларни кашф этди. Ва бу истеъдодлар йиллар ўтиб камолга етадилар. Семинар-кенгашдаги муҳокамалар, ижодий суҳбатлар жараёнида ёш ижодкорларнинг бадиий маҳоратлари ва изланишлари устоз-адиблар томонидан эътироф этилди. Энг яхши шеър ва ҳикоялар китоб ҳолида нашр этиш учун танланди. Анжуманда муваффақиятга эришган ёшлар адабиётимизнинг келажагига умид ва ишонч уйғотмоқда.

2-3



Рустам ШАРИПОВ олган сурат.

# ИЛМ, ТАРАҚҚИЁТ, КЕЛАЖАК САРИ

***19 — 22 ноябр кунлари Бухоро шаҳрида мамлакат талаба-ёшлари фестивали бўлиб ўтди.***

Навқирон ёшларнинг мазкур анжумани «Баркамол авлод йили»нинг энг муҳим тадбирларидан бири сифатида кенг нишонланди. Фестивал эмблемасидаги «Илм, тараққиёт, келажак сари» деган сўзлар бугунги ёш авлод қалбидаги гўзал туйғуларни теран ифода этди. Анжуман «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.

Анжуманнинг тантанали очилиш маросими яқинда қуриб битказилган «Бухоро маданий маркази»даги гўзал амфитеатрда бўлиб ўтди. Байрам тантаналари Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси садолари остида бошланди. Мамлакат олий ўқув юртларидан ташриф буюрган беш юздан ортиқ талаба-ёшларнинг вакиллари «Кўҳна ва боқий Бухоро» монументи олдидан саф тортиб ўтдилар. Театрлаштирилган томошалар, пойтахтдан ташриф буюрган эстрада хонандалари, вилоят санъаткорлари ижросидаги Ватанни, мустақилликни ва ёшликни тараннум этувчи тароналар фестивал руҳига ҳамоҳанг янгради. Фестивал доирасида ўтказилган йигирмага яқин анжуман, давра суҳбатлари, семинар-тренинглар муайян мақсадларга қаратилган байрам тадбирлари мазмун-моҳиятида алоҳида аҳамият касб этди.

Байрамнинг иккинчи куни «Ёшлар ва мамлакатни инновацион ривожлантириш» мавзуидаги халқаро илмий-амалий анжуманда мамлакат талабаларининг энг истеъдодли вакиллари иштирок этди. Бухородаги тўртта олий ўқув юртида ўн олти мингдан зиёд йигит-қиз таълим олади. Фестивал қатнашчилари уларнинг ҳаёти билан яқиндан танишиш жараёнида ўзаро дўстлик алоқаларини ҳам боғладилар.

Фестивал доирасида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига бағишланган мулоқот, ёшлар қобилияти ва иқтидорини бойитиш кўзда тутилган семинар-тренинглар, давра суҳбатлари ҳам ўтказилди. «Бухоро-Палас» меҳмонхонасида етмишдан зиёд олий ўқув юрти раҳбарлари иштирокида «Камолот: муаммо ва ечимлар» мавзуида анжуман, шунингдек, фестивал дастурига мувофиқ спорт мусобақалари ҳам бўлиб ўтди. «Семурғ» мажмуасида ташкил этилган минифутбол мусобақалари муросасиз курашларга бой бўлди. Унда тошкентлик талабалар ғолиб чиқди. «Гранд Бухоро» меҳмонхонасида ўтказилган «Қувноқлар ва зукколар» баҳсида Қорақалпоғистоннинг «Турон» жамоаси пешқадам бўлди. Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти «Омадли жентелменлар» командаси иккинчи ўринни эгаллади. «Заковат» интеллектуал ўйини ҳам ҳаяжонли ўтди. Унда биринчи ўрин Тошкент шаҳрининг «Келажак овози» жамоасига, иккинчи соврин Бухоро давлат университети жамоасига насиб этди.

«Бухоро-Палас» меҳмонхонасида ўтказилган «Фуқаролик жамиятини шакллантиришда ёшларнинг роли» мавзуига бағишланган илмий-амалий конференцияда мамлакатимизда фуқаролик жамияти асосини ташкил этувчи нодавлат нотижорат ташкилотларни ривожлантиришнинг ҳуқуқий негизи такомиллаштирилаётгани, ёшлар вакилларини ҳам бирлаштирган бу тузилмаларнинг ижтимоий лойиҳалари давлат томонидан қўллаб-қувватланаётгани таъкидланди.

Талабалар фестивалининг тантанали ёпилиш маросими вилоят мусиқали драма театрининг янги биносида бўлиб ўтди. Унда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати олий ўқув юртлари талабалари учун таъсис этган «Камолот» стипендияси, «Камолот» таълим грантлари, ёш олимлар танловлари ғолибларига диплом ва сертификатлар топширилди, таълим муассасаларининг энг яхши бошланғич ташкилотлари етакчилари ҳам муносиб тақдирланди.

Талабалар анжумани «Ўзбегим ёшлари» гуруҳи, «Ниҳол» мукофоти совриндорлари ва бухоролик санъаткорларнинг катта концерти билан якунланди. Ёш кўнгилларда шундай озод ва обод Ватанда яшаш ва илм олиш бахти учун шукроналик, мамлакат келажаги учун масъуллик туйғусини шакллантирган фестивал уларнинг гўзал орзу-умидларига қанот бағишлади.

**Эркин ЁДГОРОВ**

# УММОН ОРТИДАН ХУШХАБАР

**Қутлаймиз!**

Шу йилнинг 11-14 ноябр кунлари Нью-Йоркда Евро-Осиё филмлари халқаро кинофестивали бўлиб ўтди. Бу нуфузли кўрикда иштирок этган "Сув ёқалаб"(режиссёри Жаҳонгир Қосимов, сценарий муаллифи Эркин Аъзам) филмида бош қаҳрамон Болта Мардон қиёфасини гавдалантирган Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов ижроси "Энг яхши актёр" номинациясида ғолиб деб топилди. Киноанжуманда Болта Мардоннинг кенжа ўғли Ботир ролини ижро этган, Америкада таҳсил олаётган ёш актёр Жавоҳир Қосимов қатнашди. Айни кунларда мазкур филм АҚШнинг бешта штатидаги киноинститутларда намойиш этилмоқда.

Бу "Сув ёқалаб" филмининг халқаро миқёсдаги илк муваффақияти эмас. Филм шу йил баҳорда бўлиб ўтган "Золотой Витяз" кинофестивалининг "Кумуш" совринини ҳам қўлга киритганди.

**Гулноз АБДУСАТТОРОВА**



# ҚИЗИЛҚУМ САНЪАТ ҒУНЧАЛАРИ

Ёш авлоднинг ақлан етук, маънан баркамол бўлиб етишишида санъатнинг турли йўналишларида ўтказилаётган фестиваллар ва кўрик-танловларнинг аҳамияти катта. Бу борада "Янги авлод", "Келажак овози" танловлари, болалар суратлари биенналеларини алоҳида қайд этиб ўтиш жоиз.

Куни-кеча Навоий шаҳридаги "Фарҳод" маданият саройида шундай тадбирлардан бири ўз ишини бошлади. «Қизилқум санъат ғунчалари» деб номланган анъанавий болалар кўрик-танлови Навоий Кон-металлургия комбинати ташаббуси билан ўтказилмоқда. "Баркамол авлод йили" давлат дастури доирасида амалга оширилаётган бу тадбирда Зарафшон, Навоий, Учқудуқ, Нуробод, Зафаробод шаҳарлари маданият муассасалари қошида фаолият кўрсатаётган болалар бадиий жамоалари иштирок этмоқда. Тўрт юздан ортиқ истеъдод эгалари рақс, эстрада ижрочилиги, халқ анъанавий қўшиқчилиги, мумтоз ижро маҳорати, вокал ансамбллари ва оркестр чиқишлари бўйича ўзаро беллашмоқда.

Кўрик-танловнинг тантанали очилиш маросимига яна бир қувончли тадбир уланиб кетди. Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида ўтган халқаро танловда Навоий вилоятидан "Ширин" халқ ансамбли аъзоси, Навоий давлат педагогика институти талабаси Ҳурматой Кенжаева ҳам қатнашди. Жаҳоннинг 60 дан ортиқ мамлакатларидан келган миллий рақс, қўшиқ ва мусиқа ижрочилиги ҳаваскорлари ўз маҳоратини намойиш этди. "Муножот" ва "Тановар" рақсларини санъаткорона ижро этган Ҳурматой танловда Гран-при соҳибаси бўлди. Тадбирда Навоий Кон-металлургия комбинати бош директори Қ.Санақулов халқаро танлов ғолибига энг сўнгги русумдаги компютер жамламасини туҳфа қилди.

# ТАЛАБАЛАР КЎРГАЗМАСИ

Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти санъатшунослик факултетида ёш санъатшунослардан иборат "Беҳзод форум" тўгараги ташкил этилган. Куни кеча факултет талабалари ўз ижодий ишларидан иборат кўргазмани томошабинлар эътиборига ҳавола этди.

Санъатшунос педагог Тўлқин Аҳмедов раҳбарлигида ташкил қилинган бу кўргазмада биринчи босқич талабаларининг ҳунармандлик соҳасидаги ижод намуналари намойиш этилди. Шоҳиста Ортиқова яратган миллий қўғирчоқлар, Муқаддас Бобоқулованинг кашта, Лобар Акромованинг қўлда тўқилган ишлари, Умида Бабаддинова ва Умида Шариповаларнинг зардўзлик буюмлари, нозикмунчоқлардан ишланган бадиий асарлари, Аброр Жўраевнинг ёғоч ўймакорлигидаги ижодий ишлари кўпчиликка манзур бўлди. Амалий санъат ва халқ ҳунармандлиги буюмларидан ташқари, фото санъати ва рангтасвир асарлари ҳам кўргазмага қўйилди. Айниқса, Севара Мажидованинг фото асарлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

**Бахтиёр АЛЛАКОВ,**
**талаба**



Тохиржон ИСТАТОВ олган сурат.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ ВА КИТОБЛАРГА ОБУНА БЎЛИНГ. тел: 233-08-34 Сайт: www.pochta.uz ; e-mail: oao@post.uz

> **Агар биз Ўзбекистонимизни дунёга тараннум этмоқчи, унинг қадимий тарихи ва ёруғ келажагини улуғламоқчи, уни авлодлар хотирасида боқий сақламоқчи бўлсак, авваламбор буюк ёзувчиларни, буюк шоирларни, буюк ижодкорларни тарбиялашимиз лозим. Нега деганда, улуғ адиб Чўлпон айтганидек, адабиёт яшаса — миллат яшайди.**
>
> *Ислом Каримов*

**Абдулла ОРИПОВ,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири**

# "КИТОБ ШАВҚ БИЛАН ЎҚИЛИШИ КЕРАК"

Президентимизнинг маънавиятга, адабиётга эътибори, ижод аҳлига ғамхўрлигини бугунги ҳаётимизнинг ҳар лаҳзасида ҳис этиб турибмиз. Мустақиллигимиз байрами арафасида "Дўрмон" ижод уйи янгидан таъмирланиб, қулай ва замонавий шарт-шароитлар яратилган ҳолда ёзувчиларимизга туҳфа этилганди. Мана бугун, ушбу адабиёт гулшанида ёш ижодкорларнинг семинар машғулотлари ўтказилаётир. Бундай эътибор учун Юртбошимизга ташаккур деймиз. Айни пайтда барчани ушбу адабиёт байрами билан муборакбод этаман. Ёзувчиларнинг қадимий қароргоҳига келган ёшларимизнинг қадамлари қутлуғ бўлсин. Истиқлолимиз йилларида бошланган кўп анъаналар бугун ўзидан кўпайиб давом этаётир.

"Дўрмон" ижод боғида ўтказилаётган бугунги семинарда қатнашаётган ёшлар ўз вилоятларида танланиб, ғолиб бўлиб келган. Бу улар билан профессионал даражада суҳбатлашиш мумкинлигини англатади. Ёшларнинг орасидан ҳали бақувват ёзувчи-шоирлар чиқишига шубҳа йўқ. Шу ўринда мен ёшларга айрим тилакларимни билдирмоқчиман:

Ёш ижодкор доимий изланиш, мунтасил меҳнат билан машғул бўлмас экан, у бир умр ҳаваскорлик даражасида қолиб кетиши мумкин. Ёхуд нари борса, ўртамиёна ижодкорга айланади.

Албатта, ҳар кимдан фавқулодда мукаммалликни талаб қилавериш ўринли эмасдир, бироқ адабиётнинг катта дарёси тўлқинлари заиф эмас, ҳамиша қудратли бўлиши керак.

Иккинчидан, инсон боласи ҳеч қачон қандайдир бўшлиқда яшамаган ва яшай олмайди ҳам. Ҳар қандай шароитда ҳам биз замон ва макон ичида истиқомат қиламиз. Шундай экан, асарларимиздан келиб чиқадиган пировард мақсад замонавийликка бориб тақалади. Шу маънода, истеъдод соҳиблари давр билан ҳамнафас бўлишга интилишлари шарт.

Учинчидан, адиб қайси жанрда, қайси шаклда ва қайси услубда асар ёзмасин, биринчи талаб, у асар ўқилиши лозим. Устоз Абдулла Қаҳҳор таъбири билан айтганда: "Китоб шавқ билан ўқилиши керак". Бу мезонни таъминлайдиган ягона йўл фақат ва фақат маҳоратдир. Ўлмас асарларимиздан миллий қадриятларимиз, муҳташам она тилимизнинг қайноқ нафаси доимо уфуриб турсин.

Ва ниҳоят, адабиётда дид, фаросат, малака асосий масалалардан бири ҳисобланади. Ҳар бир мавзунинг ўзига хос талқин либосини топа олиш, албатта, осон иш эмас. Шу ўринда тўрт қатор шеъримни келтириб ўтишни лозим топаман.

**Азизим, бир ҳолни назарга илгил**
**Ва унга ҳамиша риоя қилгил:**
**Йўлда сочилади оддий чағир тош,**
**Гавҳар қадалади дасторга, билгил!**

## ДЎРМОН



Соғинчлардан энтикиб дил яна шошди,
Дийдорлашдик, меҳрингизга йўғрилди қалб.
Ойбек домла, Зулфиянинг қаламини —
Қўлга олдик шеърларини севиб-алқаб.

Бу гулшаннинг тонги гўзал, хушманзара,
Гўзалликлар дил тоқига тугилади.
Қараганда ҳайратларинг адо бўлмас,
Илҳом асли шу гўшада туғилади.

Тиниқ фикр, ўткир хаёл, гўзал туйғу,
Бунёд бўлди дилда дардлар тўлғоғидан.
Ташна бўлиб чанқоғимиз қондирамиз —
Ёш шоирлар Дўрмон назм булоғидан.

Беллашамиз адоватсиз, қизғин баҳс,
Кўзлар тўлиб яширолмас ҳайратини.
Устозларнинг мақтовидан тоғдек ўсиб —
Шеър ўқиймиз кутмай ҳатто навбатини.

Бу гўшада гуллар турфа, ифор турфа,
Бир гулзорки, бағридаги боларимиз.
Лаб босамиз шеърият гулкосасига —
Мисра бўлар бунда терган болларимиз.

Бироқ, соғинч энтиктириб қўйди бироз,
Неки гўзал, бари сиздан бўй олади.
Она, илҳом шу гўшанинг фарзанди-ёв,
Юрагимга мисралар сурат солади.

Устозларнинг пойқадами теккан маскан,
Нурли бўлар эзгуликка чўмиб мудом.
Табиат ҳам бош бўлади бунда бизга —
"Яна гўзал мушоира этар давом".

Юлдуз ЗОИРОВА

*Жиззах вилояти.*

## ИҚРОР



Юзимга бир бора боқди-да дунё,
Жойлаб олди мени қорачиғига.
Сочим супургию қўлларим косов,
Мен ўт қалайвергум ишқ ўчоғига.

Мен — Момо Ҳавонинг набирасиман,
Бостириб кираман тушларингтача,
Нигоҳингни ўраб оқ соғинчларга,
Ўғирлаб оламан ҳушларингтача.

Юрагингта милдай ботса соғинчлар,
Ҳали мени ҳар тонг келади кўргинг.
Наҳот, кўзларимда чақнагинг келмас,
Наҳот, юрагимда келмайди юргинг.

Сенсиз изтиробга тушар ёлғизлик,
Юлдузлар осмондан тониб кетади.
Сен кетсанг, ортингдан интизор дунё
Муҳаббат ўтида ёниб кетади.

Наима АБДУРАҲМОНОВА

*Паркент.*

## ГУЛЛАР ТУТИБ



Кетар чоғинг, шивирлаб аста,
Қулоғимга дединг: «Мени кут!»
Сенсиз ўтди кунларим хаста,
Соғинчларга айланди вужуд.

Самоларга боқдим, ёлвордим,
Юлдузлардан сўрадим мадад.
Ҳар нарсага қодир бўлардим.
Ёнгинамда қолсайдинг абад.

...Қарғаларнинг чуғури тинди,
Жилмаяди кўкда қуёш ҳам.
Бош кўтармиш майсалар энди,
Гўзалликка бурканди олам!

Шодман! Келдинг ёнимга қайтиб,
Сайраганда булбуллар наҳор,
Гуллар тутиб, қўшиқлар айтиб,
Яна келдинг, мен кутган баҳор!

Зулфия БОБОЕВА

*Навоий.*

## УКАМ



Ширинойнинг ойиси,
Олиб келди укача.
Барча маҳлиё бўлиб,
Ухламади бу кеча.
Ахир, янги қизалоқ,
Ҳеч нени тушунмайди.
Балки шу сабаб йиғлоқ,
Не десанг ҳам кўнмайди.
"Бу Барби" деб кўрсатди,
Қўғирчоғин Гўзалхон.
"Фақат бузиб қўймагин,
Унинг ҳам жаҳли ёмон".
Машинасин мақтанди,
Ғоздек керилиб Фурқат.
Чақалоқ баттар йиғлар,
Йиғлайверади фақат.
Оилада бош фарзанд,
Ширинoй ҳам жим туриб.
Кейинроқ гап бошлади,
Аста лабини буриб.
"Бордир эртак китоблар,
Қара, улар жуда зўр.
Бўлди-бўлди, йиғлама,
Майли, сен ҳам ўқиб кўр".
Дунёни тушунтирар,
Гўдакка учта "устоз".
Сўнгра ухлаб қолишар,
Янграгач майин овоз:
"Қўзичоғим алла-ё,
Кўзмунчоғим алла.
Дил туморим алла-ё,
Жон овунчоғим алла".
Қўғирчоғу китобни
Тушунмаган болакай.
Алла тинглаб, дунёни
Ўрганар ана шундай.

Ирода ЖАЪФАРОВА

*Жиззах.*

**Иброҳим ҒАФУРОВ,**
**адабиётшунос олим, таржимон**

# МАВЗУ ТЕРАН БЎЛСИН

Мен ёш ижодкорлар Жўрабек Жаҳон ва Дилбархон Рустамова қўлёзмаларини ўқидим. Уларнинг машқларидаги ёшлик эҳтирослари, сатрларидаги ҳис-ҳаяжон ўқувчини бефарқ қолдирмайди. Жўрабек ва Дилбархон мушоирада шеърларини ўзлари ифодали ўқиганларида барчага манзур бўлди. Бироқ шеърни эшитган бошқа, қўлёзмада матнни ўқиб, мушоҳада этган бошқа.

Ёш ижодкорлар машқларининг кўпчилигида бир камчилик сезилади. Мавзу йўқ. Масалан, Ғафур Ғуломнинг "Вақт" шеърини олайлик, унинг мавзуси аниқ — вақт. Вақтнинг инсон тақдиридаги ўрни қандай, вақт нима экани, уни ижодкор қандай тасаввур этиши бадиий бўёқларда ёрқин ифодаланган. Ёхуд шоир "Сен етим эмассан" шеърида етимлик азоблари қандай эканини тасвирлаган, етимликнинг фожиаларини очиб берган. Замондош шоирларимиздан Эркин Воҳидовнинг "Узум" шеърини ўқиганимизда узум новдалари, узум бошларининг гўзал кўринишлари билан тасаввуримиз бойийди. Шоир узум тимсолининг янги ифодаларини яратади. Бундай шеърни ўқиганингизда ҳам, эшитганингизда ҳам юрагингизда завқу шавқ туясиз. Янги бадиий талқинлар теран фикрлар бахш этади.

Ёшларга тилагим шуки, энг аввало, ҳар бир ижодкор ўзбек миллий адабиётидан, жаҳон адабиётидан ўзига яқин ёзувчи ёки шоирни топиб ўқиши лозим. Адабиётда янгилик яратган, ўз услубига, тилига, фалсафасига эга бўлган ижодкор албатта сизга асарлари орқали бадиий сўз кашфиётларини ўргата олади.

Машҳур француз ёзувчиси Балзак сизнинг ёшингизда ўн иккита романини ёқиб юборган. Тасаввур қилинг, ҳар бири тўрт юз бетдан иборат ўн икки роман. Бу романлардан ёзувчи воз кечгану, бироқ ўша ўн икки романга сарф бўлган меҳнат куймаган, ёзувчида сўз билан ишлаш тажрибаси қолган. Сиз азиз ёшлар айни пайтда ўзингизга яқин ижодкорни танлаб, ўзлаштирадиган палладасиз. Лев Толстой айни сизнинг ёшингизда асарлар ёзаётиб ҳаёт тажрибалари кам эканига амин бўлгач, Қримга кетади. Кундалик тутиб, ҳаётида, атрофида содир бўлган ҳар бир воқеани, ҳар кунини дафтарга ёзиб боради. Бундан ташқари у яқинлари, оиласи ва дўстларига ҳар куни ўнлаб хатлар ёзарди. Нима учун? У тажриба орттириш учун шундай қилади. Ўша пайтларда у ёзувчи қандай бўлиши кераклигига оид қирқдан ортиқ қоидани ёзади. Ўзингиз ўйланг, агар Толстой Қрим урушига бормаганида "Уруш ва тинчлик"дек асар ёза олармиди. Демак, сиз, азиз ёшлар, шуни унутмангки, ҳаёт материалини йиғиш ёзувчининг биринчи вазифасидир. Етук шоирлар ҳам ўз асарларида ҳаёт фалсафасини ифодалайдилар.

Ёш ижодкорларга кўпинча тажрибасизлик, адабиёт, бадиият ҳақидаги илмларни ўрганмаганлик панд бериб қўяди. "Бўш тортилган тор ҳеч қачон яхши оҳанг таратмайди", дейди донишмандлардан бири. Сиз модомики улуғ мақсадлар билан адабиётга кирган бўлсангиз, торларингиз ҳамиша таранг тортилган бўлсин.

## ВАҚТ



Вақт, ошиқма деб ялинайинми?
Ё ўтган умримга нолинайинми?
Бироз олдин кетган қўл соатимни
Тўғрилаб олай, деб сиғинайинми?

Вақт, чопқир отнинг туёғисанми?
Ё шамол жиловин олдингми қўлга?
Бунчалар шошилиб қайга борасан?
Ёки давр улуси шоширар йўлга?

Вақт, тўхтамадинг асло бир лаҳза,
Умрим йилларидан ўлпон оласан.
Чарчамадинг, чопавердинг илдамлаб,
Қачон ҳовлиқасан, қачон толасан?

Баъзида ўткинчи умрим ўлчовли
Эканини сезиб, дилдан ўксийман.
Вақт, сен ўзинг-ку умр ўлчовчи,
Умр ўтса-да мен униб-ўсгайман.

Кутсам агар сени, сира шошмайсан,
Шошилганда қовоқ осиб қистайсан.
Йилдиримдай чаққон-чаққон одимлаб,
Зерикканда оёғингни босмайсан.

Вақт ўз эркинг, ўз қўлингда экан,
Замонлар ораси, давр нафаси.
Вақт бу ўтган кунинг, ҳаётинг экан,
Вақт ҳали ўтмаган йиллар эгаси.

Сарвиноз МУСАТДИНОВА

*Қорақалпоқ тилидан*
*Рустам МУСУРМОН*
*таржимаси.*

## АФСУС

Муштоқ кутдим, интизор кутдим,
Қилмадингиз бир бор қўнғироқ.
Билолмадим, омонмикансиз,
Диллар йироқ, йўл ундан йироқ.

Мана бугун тун билан ёмғир,
Шивирлашиб қилди ғийбатим.
Мен тошларни гуллатган эдим,
Шу бўлдими қадр-қимматим.

Таъкид сўзлар, такрорий сўзлар,
Ишончимни эттанди ишғол.
Энг сўнгги бор кўзимга боқиб,
Айтмадингиз алвидо, хуш қол.

Бўйларингиз қўмсар нафасим,
Соғинч сизга бегона ҳисми?
Ҳатто бугун малол келяпти
Юрагимга ўхшаган исмим.

Ҳар чимдим тупроғинг суртиб кўзимга,
Ишқимнинг оташи келар бўғзимга.

## ВАТАН



Мен сени авайлаб ҳатто ўзимдан,
Ватан, сени яхши кўраман жуда.

Жонимни гаровга қўйиб севаман,
Юракка исмингни ўйиб севаман.
Бир далли девона бўлиб севаман,
Ватан, сени яхши кўраман жуда.

Дардингни айт, кўксим бўлади нишон,
Самодан ёғилгай сенга шараф-шон,
Севгим, садоқатим чексиздир, ишон,
Ватан, сени яхши кўраман жуда.

Садоқат НЕЪМАТОВА

*Андижон.*

## КАШТА



Кашта — кўнглим,
"Палак", "Парда", "Зардевол"...
Ювсанг қизил ранг чиқади янчилган.
Худди юрагимни тиғлаган мисол
Кашта — кўнглим,
ипак қатим билан игна санчилган.

Уйга кашта илмас бугун,ўксинма,
Деворга илинар алламбалолар.
Лекин, сен юлмагин мени кўксингдан
Тумордай асрайман сени балодан.

Дилбар МУҲАММАД

*Самарқанд.*

## ҲАЁТ



Тонг тахтига ўтирди қуёш,
Янги куним кийди тожини.
Битта ширин табассум билан
Тўлаб қўйдим умр божини.

Шабнамларга юз ювди кўнгил,
Орзулар ҳам бунда ораста.
Ҳаёт, сени севмай бўларми,
Бахтдан тутиб турсанг гулдаста?

* * *

Сукут. Бедор хаёллар тердим,
Кўзларимга келсанг бўларкан.
Олов сатрларга руҳ бердим,
Энди қалбим нурга тўларкан.

Етти қадам нарида чинор
Майсаларни қўриқлаб ётар.
Юрагимнинг уфқига қуёш
Ёзилмаган шеърдайин ботар.

## МУҲАББАТ



Энг мўътабар инъом экан дийдорингиз,
Соғинчимдан қўлларимга қалам олдим.
Асир қилди муҳаббатли диёрингиз,
Мен дунёни сиз бор учун севиб қолдим.

Мафтуна ҚУРБОННАЗАРОВА

*Деҳқонобод.*

Энг муаттар бўйлар ўрлагай,
Таниш куйни чалмоқда дил ҳам.
Сенинг юрагингни ўртагай
Лабларимда ёқилган гулхан...

Ҳамида МАМАДАЛИЕВА

*Андижон.*

## ИЛК СЕВГИ



Ёшлигимни эсласам,
Эски мактаб кўп дилбар.
Кимдир партага ёзган
Ж+К баробар...

Партанинг қоқ юрагин
Ўйиб битилган ёзув
Қанча уринса кетмас,
Совун суртиб сепар сув.

Бугун мен айтган битик
Кўрдим партадан ўчган.
Қандай ўчади билмам,
Ахир у дилга кўчган.

Унинг ҳам дилида шу
Лек айтмайди ўлса ҳам.
Ажаб эмас партага
Эри ёзган бўлса ҳам.

Қайтишда бир битикни
Ўқидим бунча ҳақдир.
Унда шундай ёзилган
Ж—К= тақдир.

Жўрабек ЖАҲОН

*Сурхондарё.*

*Ҳикоя*

# БИР СИҚИМ ТУПРОҚ

Кун анча дим ва иссиқ эди. Гулжон ая кўзида ёш билан хомушгина ўтирарди. Бошидаги рўмоли тагидан кўриниб турган оқ сочлари Гулжон момонинг оғир ўтмишини тилсиз сўзлаб тургандек. Юзидаги ажинлари эса ўша кунлардан қолган хотира. У кўзларидан ёш томчилаётганини, ёноқларини юваётганини сезмасди. Момога қадрдон уйидан айрилиш оғирлик қиларди, қани имкони бўлса-ю, шу нураб тушаман деб турган эски уйида умрининг охиригача яшаса. Бунинг имкони йўқлигини ақли англаса-да, қалби тушунолмай безовталанарди.

Кўчада қизи Шоира, куёви Абдураҳим, набираси Адиба Гулжон момони кутишарди. Эрининг жаҳли чиқаётганини сезган Шоира ичкарига, онасининг ёнига қовоғини солганча кириб кетди, онасининг кетидан Адиба ҳам эргашди. Онасининг бемалол ўтирганини кўрган Шоира дағдаға қила бошлади:

— Ҳалиям ўтирибсизми, бундоқ мени кутишаяпти, қизим билан куёвим мени деб ишдан қоляпти, деб ўйлаб ҳам кўрмайсиз-а?

— Қизим, ҳозир чиқаман, мен аҳмоқ онангни кечир, қадрдон уйимдан айрилиш оғирлик қиляпти, отанг, уканг билан ўтказган бахтли кунларимиздан узоқлашиш юрагимни тирнаяпти, шу тупроқдан айрилгим келмаяпти, — деди Гулжон ая кўзидаги ёшларини бошидаги рўмол учига артганча.

— Бўлди-да, бунча аюҳаннос соласиз, қайтага шу эски кулбангиздан кўчириб олиб кетаётганимизга шукур қилинг!,— деди Шоира онасига таъна қилганча. — Қани туринг, кетиш керак, куёвингиз кеч қоляпти.

Момо шошганча ёнидаги тугунчасидан кичкина халта чиқарди ва томорқадаги ердан бир сиқим тупроқни ҳовучлаб олганча халтачасига солди. Шоира онасига "тезроқ бўлинг" деганча эрининг ёнига кетди. Адиба бувисини кузатиб турарkан:

— Эна, нега тупроқни халтачангизга солдингиз, ахир у ифлос-ку? — деди ҳайрон бўлиб. Гулжон момо набирасининг бошини силаганча унинг саволини жавобсиз қолдирди ва унинг қўлидан ушлаб ташқарига чиқди. Саломлашишни, ҳол-аҳвол сўрашни унутган куёв қайнонасини совуқ кутиб олди. Момонинг қулоғига куёвнинг кесатиқ гаплари эшитилмасди. У машинага қалтираганча чиқди, машина уйдан узоқлашган сайин момонинг кўз ёшлари юзларини ювар эди.

Гулжон момонинг шаҳарга келганига бир ҳафта бўлди. У ўз қизи уйида бегоналарча яшарди. Катта набираси Лайло бувисининг келганига сира ҳам суюнмади, аксинча бор аламини бувисидан олди. Қизи Шоиранинг онаси билан иши ҳам йўқ эди, кундалик юмушлардан ортмасди, куёви қовоғини осганча доим қайнонасига хўмрайиб қараб қўярди. Гулжон момо "бир кун келиб шундай оқибат кутганмидим" деб кўп куюнарди. Унга Адиба ва кенжа набираси Сардор меҳрибон эди. Улар бувисининг эртакларини жон деб эшитардилар. "Яна айтиб беринг!" деб харҳаша қилувчи набираларини Гулжон ая жондан яхши кўрарди. Уларга эртак айтиб чарчамасди. Эртак айтиш билан Гулжон момо қизининг "сиз менга бир юк бўлдингиз, бир фойдангиз тегмайди. Кўчага чиқмай ўтиринг, қўни-қўшнилар орасида мени уятга қўясиз", деган кўнгилга оғир ботадиган сўзларини унутарди. Агар эски уйи бузилиб кетмаганида, ҳеч қачон шаҳарга келмасди. Ҳозир момо уни қийнаган ташвишлардан батамом ҳоли бўлиб, юзида табассум билан набираларига мароқ билан эртак айтарди. Ота-онасидан етарлича меҳр кўрмай яшаётган фарзандлар бувисининг бағри кенглигидан хурсанд эдилар. Эртак ҳам яхшилик билан тугади. Эртакни эшитиб беихтиёр қувонган Адиба стол устида турган бувисининг тупроқ солинган халтачасини кўриб, жавобсиз қолган саволини эслади ва бувисига эркаланганча:

— Эна, манави халтачага нега тупроқ солиб қўйгансиз, уни нима кераги бор, ахир ифлос-ку? — деди ҳайратини яшира олмай.

— Эй болам-а, бу туғилиб ўсган еримнинг бир парчаси. Борлиғим шу тупроқнинг тафти билан тирик. Бу тупроқда бўванг, тоғанг хоки бор. Тоғанг шу тупроқ учун жонини фидо қилган, — кўзига ёш олди момо. Адиба бувисининг йиғлаётганини кўриб ачинди ва ўзини айбдор ҳис қилди.

— Ўзимизнинг кенг ҳовлимизни, уйимизни эслайман, — дея гапира бошлади алам билан момо.



Шу онда кўча эшиги ғичирлаб очилди, кимдир аста-секин кириб келди. Кириб келган одам алланечук маъюс эди. Гулжон момонинг овозини эшитгач, руҳияти анча янгилангандай бўлди. У Гулжон момонинг хонаси эшигига суянганча, ёқимли овозни яширинча эшитарди.

— Мен учун энг бахтли онлар шу уйим, қадрли масканимда ўтган. Бахтли кунларим, қизим Шоиранинг атак-чечак қилиб юра бошлаган онларини эслашнинг ўзи мен учун бахт, тоғангнинг "Сизни ҳеч кимга хафа қилдирмайман, бошимда кўтариб юраман!" деб айтган сўзлари ҳали-ҳануз қалбимда яшайди. Тоғанг чегарачи эди. Бир куни душманлар бизнинг она еримизга бостириб киришга уринган пайтда тоғанг чегарада навбатчи экан. Ўша жангда Файзуллагинам...

Гулжон момо алам тортиб йиғлай бошлади. Унинг кўзларидан дув-дув ёшлар оқарди. Набиралар бир-бирига мунгли қараб қўйишди.

— Ўғлимнинг ўлимини эшитган бованг айрилиққа чидолмай оламдан ўтди. Ойинг билан иккимиз ёлғиз қолдик. Сен сўраган халтачадаги тупроқда менинг ҳаётим акс этган. Эй худо, мени умримнинг сўнгги куни шу бир сиқим тупроғимга етказ! — дея илтижо қилди момо.— Болаларим, мен ҳеч бир жойнинг тупроғини ўз она қишлоғимникига ўхшатолмайман.

— Буви, энди мен ватан нималигини англадим, — деди бурро тиллари билан Сардор.

— Мен эса сизни жудаям яхши кўраман, — деди Адиба бувисини қучоқлаганча.

— Мен ҳам сизларни яхши кўраман, ҳаммадан ортиқ, — деди Гулжон момо набираларини бағрига босганча. Шу пайт эшик орқасида ҳамма гапни эшитиб турган Шоира онасининг ёнига кўзи тўла жиққа ёш билан келиб, бағрига отилди. Гулжон момо бундан гангиб қолди ва йўқотган нарсасини топгандай бағрига қаттиқроқ босди. Шоира онасидан тинмай кечирим сўрарди. Момо қизининг сўзларини эшитиб, бир сиқим тупроқнинг яна бир мўъжизасини кўриб, ҳайратда қолди.

— Бир сиқим тупроқ, меҳр уйғотишга қодир экансан, — деганча қизини янада қаттиқроқ бағрига босди...

Илмира ЖУМАНИЁЗОВА

*Хоразм.*

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Барча турдаги коммунал тўловларини қабул қилади Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! тел: 233-57-47

Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири

# ЁШЛАРГА ТИЛАКЛАРИМ

Сиз, анжуман қатнашчиларига қараб туриб ҳавасим келяпти. Ижодкор аҳлига эътибор, яратилган имкониятлар, сўз эркинлиги... булар барчаси сизнинг нақадар бахтли, омадли ижодкор эканлигингизни кўрсатиб турибди.

Мен ҳам бундан эллик йил муқаддам мана шундай анжуманда қатнашган эдим. У пайтлар бундай муҳташам кошоналар қаёкда. Пастқам, лойсувоқ уйларда турганмиз. Лекин, кўнглимизда орзулар кўп эди. Шу ёшга етиб, мана юртимиз бахтини, адабиёт, санъат аҳлига кўрсатилаётган эътибор, ғамхўрликни кўриб қувониб ўтирибман.

Ёшлигимда эшитганим атоқли бир ёзувчининг гапларини эслайман: "Сиз ёшлар, ҳар бирингиз жаҳон адабиёти мендан бошланади, деб ўйлайсизлар ва тўғри қиласизлар", деганди. Дарҳақиқат, ижодкор катта ниятлар билан яшаши, ўз кучини катта мақсадлар йўлида сарф этиши керак. Албатта, ниятни катта қилган яхши. Аммо, шунга яраша кишида заҳира бўлиши лозим. Сизларга айтадиган биринчи гапим, бизнинг адабиётимиз бой тарихга эга. Унинг Навоий, Бобур, Машраб, Огаҳий, Қодирий, Ойбекдай забардаст намояндалари бор. Шу боисдан бундай муқаддас даргоҳга жуда катта тайёргарлик билан, билим билан қадам қўймоқлик лозим. Шоирлар, масалан, Навоийдан, Бобур, Фузулий каби шоирлардан минг байтдан шеърни ёд олмоғи фарз деб ҳисоблайман.

Яна бир масала. Бизнинг тилимиздай ранг-баранг, бой тил дунёда кам топилади. Биргина қуёшнинг бизда етти хил атамаси бор. Бахт деган сўзнинг ҳам етти синоними бор тилимизда. Шундай экан, ўз тилимизни пухта ўзлаштирайлик. Бу бебаҳо мулкнинг қадрига етайлик. Сўзнинг мазмунини тўла англаб етмай қўллаш кишини ўнғайсиз ҳолларга солиб қўйиши мумкин. Қолаверса, бундай муносабат она тилимизга ҳурматсизлик ҳисобланади. Адабиётда шеър маданияти, ижод маданияти деган тушунчалар бор. Бу аввало сўзга, тилга бўлган муносабатда аён бўлади.

Президентимиз "Ўзбекистон — келажаги буюк давлат" деганларида, биринчи навбатда, келажакда жамият юкини, Ватан тақдирини ўз елкасига оладиган сиз азиз ёшларимиз билими, салоҳияти, имон, эътиқодингизнинг мустаҳкамлигини назарда тутгани шубҳасиз. Давлат буюклиги биринчи навбатда фуқаролар маданияти, маънавияти билан белгиланади. Маънавиятни юксалтириш эса қудратли таъсир кучига эга бўлган адабиёт зиммасидадир.

Мана шу табаррук даргоҳда ўтказилаётган адабий анжуман ҳаётингизда унутилмас фарахли кунлар бўлиб қолишига, орадан йиллар ўтиб бу кунларни миннатдорлик ва ёрқин хотиралар билан ёдга олишларингизга тилакдошман.

**Одам ёзувчилик касбини танламайди, аксинча, бу касб ёзувчини танлайди. Истеъдод, истеъдод ва яна бир бор истеъдод соҳибларини топиш, тарбиялаш ва уларнинг меҳнатини муносиб қадрлаш энг асосий вазифамизга айланиши зарур.**

*"Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор" рисоласидан.*

## ОМОН ЁР



**Бунёд тупроғимдан бир гавҳар топдим,
Суюнчи олмоққа руҳ томон чопдим,**

**Қақшаган жонимни гул билан ёпдим,
Омон ёр.**

**Тиконларни юлиб бағримдан отдим,
Турнакўз булоқдан нур — шароб тотдим,
Самода юлдузни эркалаб ётдим,
Омон ёр.**

**Ҳислар юрагимда аланга ёқди,
Қонимда покиза шодликлар оқди,
Капалаклар масту мастона боқди,
Омон ёр.**

**Қуёшнинг тафтини туйди қўлларим,
Комрон манзилларга тушди йўлларим,
Ҳаёт рангидадир ўнгу сўлларим,
Омон ёр.**

**Уқмаганим — гумон, уққаним ҳақдир,
Манглайда ёзиққа котибдир тақдир,
Шукрким, чекимга тушгани — бахтдир,
Омон ёр.**

**Олимжон ЖЎРАЕВ**

*Бухоро.*

## МЕН ТОПГАН ХАЗИНА

Хаёлотга ўч дўстларим баъзан суҳбат чоғида «Шу чоққача йўлингда кетаётиб тасодифан бирор нарса топиб олганмисан», деб сўраб қолишади. Мана энди ўша саволга жавоб бериш фурсати етди. Мен 24 йил деганда Дўрмон ижод уйидан катта бир хазина топдим. Бу хазинани чинакам ижодкор дунёдаги ҳеч бир ноёб бойликка-да алишолмас.



Ўқувчилик йилларимда асарларини меҳр билан ўқиган, мен севган таниқли адибларнинг серунум ижодий маҳорати сабоғидан баҳраманд бўлганимдан бениҳоя бахтиёрман. Айниқса, семинарнинг очилишида адабиётимизнинг йирик намояндалари билан бўлган учрашув мени кучли ҳаяжонга солди.

Семинар-машғулотларда адабий турлар, айниқса ўзим ижод қилаётган наср жанрига оид кўплаб билим олдим. Ўзимни қизиқтирган саволларимга жавоб топдим ва тегишли хулосалар чиқардим.

**Дилафрўз ТЎРАҚУЛОВА**

*Тошкент шаҳри.*

## ИШОНЧНИ ОҚЛАЙМИЗ



"Ижод" фонди ҳақидаги қарорни ўқиб, ёш ижодкорларнинг илк китобларини нашр этиш, ёш шоир-ёзувчиларнинг семинар машғулотларини ўтказишга оид фикрлар менга қанот бағишлаганди. Адабиётга, жумладан ёш ижодкорларга бўлган бу эътибор мени ҳам руҳлантириб, астойдил ижод қилишга ундади.

Бир неча ҳикоялар ёздим. Миллий ғурур ва озодлик мавзусидаги "Бургут" ҳикоям "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида чоп этилди. Кўпгина устозларим мени бу ҳикоя билан қутлашди. Яна бошқа ҳикоялар ёзишга рағбатлантиришди.

Мана бугун эса ёш ижодкорларнинг "Дўрмон" семинар-кенгашида иштирок этаётганимдан бахтиёрман. Бундай имконият ва ғамхўрлик учун Юртбошимизга ташаккур айтаман. Семинар машғулотларида устозлар сабоқларини олиб, маҳорат сирларини ўрганиб, ёшларга бўлган катта ишончни оқлашга ҳаракат қиламан.

**Муяссар ТИЛОВОВА**

*Қашқадарё.*

Сирожиддин САЙЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири

# ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАР

Мен фарғоналик Гўзалхон Эргашева ва жиззахлик Ирода Жаъфарова қўлёзмаларини ўқидим. Гўзалхон истеъдодли шоира экан. Унинг шеърий китобчасини Ёзувчилар уюшмаси томонидан нашрга тавсия этиш мумкин. Ирода болаларга бағишлаб шеърлар машқ қиларкан. Менимча, болалар адабиётига ҳам катталар адабиётига қарагандек муносабат билдиришимиз керак. Боз устига болалар адабиёти катталар адабиётига кўра нозикроқдир. Ирода шубҳасиз истеъдодли. У маҳоратини янада оширишини тилайман.

Кеча анжуманнинг очилишида бир шоира шеър ўқиди. "Шеър китобни сақлайман ёстиғимнинг остида" деб. Биз ҳам устозларнинг китобини ёстиғимизнинг остига қўйиб ўқиганмиз. Мана шу ука-сингилларимиз ҳам айни дамда бизнинг илиқ сўзларимиздан умидвор эканини ҳис этаман.

Мана юртимизда қанчадан-қанча баланд иморатлар, муҳташам кўприклар, катта йўллар қурилди. Бунёдкорлик ишлари юртимиз ободлиги, халқимиз фаровонлигига хизмат қилаётир. Мен истардимки, биз катта-кичик ижодкорлар ёзаётган асарлар ҳам ана шу кўприклару йўллардек, тоғлардан ошган довонлардек юксак ва муҳташам бўлсин. Романларимиз, достон ва шеърларимиз ҳам юртимиз ободлигию халқимиз фаровонлигига хизмат қилсин.

## БАХТЛИ ФАРЗАНД



**Қуёш тупроғингга нур сочиб бахтли,
Юлдузлар бағрингга тўкилмоқ истар.
Онамнинг исини сеза бошлайман,
Ватаним, тонгларинг отганда маҳтал.**

**Юксак чўққиларда бедордир руҳим,
Боғларнинг ёритар тунда оқ яктак.
Кўкни қучган қадди баланд тоғларнинг
Отам қоматидан бўй олса керак.**

**Гулинг кўзларимда уйғотган меҳр,
Шамол аллалаган бешикларимни.
Куйлайман мен энди то сўнгги қадар,
Ватан деб англаган қўшиқларимни.**

**Турналар қайтади хушхабар билан,
Лайлак ташлаб кетмас бир кун қишларинг.
Ватан, менда кўриб юртнинг ҳуснини,
Кўксимга қўнади Ҳумо қушларинг.**

**Тупроққа юз буриб туради осмон,
Гулга айланган ойлар ҳам ҳалак.
Билмадим, ўзинг айт, эй Ўзбекистон,
Энг бахтли фарзандинг мен бўлсам керак.**

**Гўзалхон ЭРГАШЕВА**

*Фарғона.*

## ҲАВАС



**Юлдузлар, юлдузлар, олис юлдузлар,
Юлдузлардек бисёр экан, гулюзлар.
Лек кўнглим талпинар бир сен томонга,
Ақлим лол этолмас ҳеч ўзга қизлар.**

**Кўзлар кўзга тушиб, дилдан ҳаяжон
Денгиздек жўш уриб, қалбдан тошарди.
Кўзларим узмайин нурли юзингдан,
Қараганим сайин соғинч ошарди.**

**Балки сен ой каби танҳосан, гулим,
Юлдузлардек бисёр қизлар ичинда.
Ошиқларинг майсадек сонсиз севгилим,
Бош уриб ётарлар босган изингда.**

**Майса бўлиш менинг дилда орзуим,
Чунки у изларинг ўпиб яшнайди.
Сенинг ташрифингдан қувониб доим
Умрини қувончга ўраб яшайди.**

**Дилмурод ДЎСТ**

*Жиззах.*

## ОЙ

*(Ҳабиб Саъдулла ғазалига мухаммас)*



**Сизни кўрмай юрган эрди бемалол осмонда ой,
Васфингиздан қўрқди тинглаб бемажол осмонда ой,
Сизни топди, боқдиям-ку, бўлди лол осмонда ой,
Ой жамолингиз кўриб, ошуфтаҳол осмонда ой,
Бир талашгач сиз билан кўрку камол осмонда ой.**

**Шул нафасдин бошлабоқ бермас эмиш ҳуснига зеб,
Ич-этин бир ёқда қолдирмиш, юзиндан парча еб,
Гоҳи кундуз пайти беркинганча йиғлармиш ҳадеб,
Дейдилар: "Аслида ой менму эдим ё улми?" деб,
Ўз-ўзига ҳар кеча бергай савол осмонда ой.**

**Сўрди бир тун: "На учун йўқ ер юзинда ҳайкали?"
Ман дедим: "Ул зулфи зар оламга машҳурмас ҳали",
Лек билиб олдим гапиндан мафтун эркан менчали,
Интизор бўлмиш ўзи ҳам сизни бир бор кўргали,
Шул сабаб ҳар кеч чиқар ошиқмисол осмонда ой.**

**Қоматингиздан алиф куйгай, қилар ҳар доим ор,
Ютганингиз ростми кундан рангини ўйнаб қимор?
Сўзларингиз бўлса ошиқлар эли ичра тумор,
Не ажаб ўт кўзларингиз қилса чўлпонни хумор,
Қошингиз орзусида бўлгай ҳилол осмонда ой.**

**Мунтазир йўл топмади ҳеч чеҳрангиз унуттали,
Рози бўлди сиз учун минг ғам-аламни ютгали,
Лек у ёлғизмас, ажаб, гул ёридин гул куттали,
Ахтариб бир чора топмай васлингизга етгали,
Ерга кул бўлмиш Ҳабиб, куйгай сопол осмонда ой.**

**Муҳаммад ЮСУПОВ**

*Наманган.*

## БУВАМ



**Қариб қолди бувам,
Қатқалоқ даладай юзи серажин.
Дўппилари ярашар бирам,
Тагида яшириб қўрғошин изин.
Бувамнинг кўзлари — Сир, Аму,
Дил — тоғ. Дард — муз
Зўрға сизар томчи ёш.
Тупроққа ҳурмати бувамнинг —
Аллоҳни зикр айлаб, ерга қўяр бош.
Тош юмшатган қўллари қадоқ,
Белбоғи — дастурхон. Чопони — кўрпа.
Нигоҳидан яшнар ҳар гиёҳ
Бувам замин-фалак узра зўр ўра.[1]
Шу устун бешиги синмасин,
Муносиб сўз айтмоқ мушкулдир, бироқ
Бўлсайдим бувамнинг ҳассаси
Ёки дўпписига қалампирмунчоқ.**

*1.устун.*

**Малика ИБОДУЛЛАЕВА**

*Хоразм.*

## ЁМҒИР

**Оқшом сукунати чўккан шаҳарга
Куз ёмғири ёғар жимликни бузиб.
Яна қайтгинг келар гўзал баҳорга,
Яна кетолмайсан кўнглингни узиб.**

**Майда-майда томчи сачрар ҳар ёққа,
Кўнглимга ёғилар завқи шу оннинг.
Йиғлоқи булутнинг ёқаси лойқа,
Этаги шалаббо бўлар осмоннинг.**

**Меҳриноз АББОСОВА**

*Наманган.*

Иқбол МИРЗО,
Ўзбекистон халқ шоири

# ШЕЪР ТИЛИНИ ҲАММА ТУШУНСИН

Дунёда жуда кўп тиллар бор. Ҳар миллатнинг, ҳар халқнинг тили, аввало, ўзи учун муқаддас. Маълумки, тилнинг бой ёки ғариб экани ўша тилнинг луғат бойлиги, хазинаси билан белгиланади. Буюк ёзувчи ва шоирлар ўзи мансуб бўлган миллат тилини бойитишга мислсиз хизмат қилади. Алишер Навоий бобомиз она тилимизнинг нақадар бойлигини бутун дунёга исбот этгани ҳаммага маълум. Дунёдаги тиллар ичида фақат бир киши гапирадиган тил ҳам бор экан. Истайманки, шоир ҳам фақат бир ўзи тушунадиган тилда шеър ёзмаслиги зарур. Шеър барчага бирдай тушунарли, тинглаганда ёки ўқиганда юракка завқ улашадиган бўлгандагина қадрлидир. "Девони луғотит турк" асарида минг йил, балки бир ярим минг йил аввал аждодларимиздан бири ёзган шеър бор.

**Алп Эр Тўнга ўлдиму?
Эсиз очун қолдиму?
Замон ўчин олдиму?
Энди юрак йиртилур.**

Қаранг, нақадар тушунарли ва ҳаммани ҳаяжонга соладиган шеър. Мен анжуманда иштирок этаётган ука-сингилларимиз ҳам ана шундай ёрқин шеърлар ёзишларини истар эдим.

## ОНАЖОНИМГА



**Онажон!
Онажон, мунисам менинг,
Баҳордек гулюзим, сабри чиройим!
Сочлари қировли фариштам менинг,
Қимтинган юлдузим ва офтобойим!**

**Кипригинг остида шабнамдек тоза
Кўз ёшлар қай кўнгил жилғаларидан.
Бинафшадек хушбўй, сувдек покиза
Юрагинг муҳаббат дарғаларидан.**

**Онажон, шу ўйчан нигоҳларингда
Улғайиб бормоқда уятчан қизинг.
Меҳр яширинган қароқларингда
Буюк фалсафани кўраман ўзим.**

**Нақадар севаман соддалигингни,
Дуоларинг азиз жон риштам қадар.
Онажоним, кечиргин Маърифатингни,
Сенга ўхшамоқни эплолмаса гар...**

**Маърифат ТЕМИРОВА**

*Шаҳрисабз.*

Гулшод АЙТБОЙ қизи

Ҳикоя

# ДУГОНАЛАР



Сарвиноз билан Гулзод болалигидан бирга ўсган, боғча, мактабга бирга борган ва ниҳоят битта институтга ўқишга кириб, ётоқхонада бир хонага жойлашишди. Сарвиноз грант, Гулзод эса шартнома асосида ўқийди. Сарвинознинг бўйи ўртадан баландроқ, хушбичим жуссали, қийиқ кўзига монанд ҳилолдек эгилган қошлари, ғунчадек лаби кулча юзига жуда мутаносиб. Гулзоднинг бўйи эса дугонасига қараганда хиёл пастроқ, истараси иссиққина қиз. У ўзидан ҳам кўра Сарвинозга ғамхўрлик қилади. Тест топшираётганларида бир амаллаб Сарвинознинг тестини ишлаб бердию ўзига вақт етишмай қолди. Натижа Сарвинознинг фойдасига бўлди. Сарвиноз бунинг учун Гулзодга "Раҳмат, сен туфайли грантга ўқишга кирдим, дугонажон", деб ҳам қўймади. Гўё бу нарса табиийдек, шундай бўлиши керакдек тутди ўзини. У жуда эпчил, киришимли қиз бўлиб комендант Ойгул опани ҳам дарров ўз таъсирига олиб, бир хонани тўғрилаб чиқди. Гулзод севиниб дугонасини қаттиқ қучиб олди-да, "Раҳматей, борингга шукр, дугонажон", деди.

Улар икковгинаси бир хонада яшай бошладилар. Чекка бир қишлоқдан келиб, Нукусдек шаҳарда ўқиш бу икки қиз учун катта бахт эди. Улар мудом бирга, уларнинг дўстлигига гуруҳдаги йигит-қизлар ҳавас билан қарашар ва ўрталарига ҳеч ким раҳна сололмайди, деб ўйлашарди.

Гулзод юрагида борини Сарвинозга тўкиб сочади, аммо Сарвиноз ҳамма сирини ҳам айтавермайди. Баъзиларини яширади. Оққўнгил қиз бўлгани учун Гулзод буни кўпинча пайқамайди.

Гулзод ошхонадан қозонни кўтариб кирганида, каравотда хаёл суриб ётган Сарвинозга қараб ҳайрон бўлди. Чунки у овқатни келтиргунча дугонаси дастурхон тузаб қўйиши лозим эди. Лекин Сарвиноз пинагини бузмай ётаверди. Кейинги кунларда негадир у Гулзодга зарда билан гапирадиган одат чиқарган. Гулзод эса дугонасидаги ўзгаришнинг сирига етмай, боши қотарди. У қозонни стол тагига қўяётганда нима бўлдию қозон тарақлаб кетди. Сарвиноз жаҳл билан ўрнидан туриб, уни жеркиб берди.

— Нима, овқат пиширганингни миннат қиляпсанми? Шу бўтқангни емай қўя қоламан.

Шундай дея туфлисини кийиб, тарстурс қилганча эшикка йўл олди. Шу пайт эшик очилиб, калта сочларини тилла рангга бўяб олган Парчагул кўринди.

Ўқиш бошланганидан икки ойлар ўтиб, дарс пайти декан ўринбосари Эсиргап бу қизни дабдурустдан аудиторияга бошлаб кирган, ўқитувчига "Бу қизимиз шу ерда ўқийди", деб чиқиб кетганди. Парчагул чиройли бўлса-да, одамга beписанд боққани учунми, совуқ кўринади. У гуруҳдаги йигит-қизларни назарга илмас, биргина Сарвиноз билан чиқишарди. Гулзод билан эса шунчаки саломлашарди, холос.

— Шу қиз менга ёқмаяпти, кўзи бежо, — деди бир куни Гулзод.

— Сен уни мен билан дугона бўлгани учун кўра олмаяпсан. Жуда чиройли-ку, шаҳарлик қиз-да, сен билан мен барибир қишлоқимиз, унга тенглаша олмаймиз, — деди Сарвиноз. Сўнг Гулзодни эшитишни хоҳламагандек деразадан ташқарига тикилиб олди...

Сарвиноз билан Парчагул бир-бири билан пичирлашганча узоқ гаплашишди. Гулзоднинг тоқати тоқ бўлиб, ниҳоят томоқ қирди.

— Овқат емайсизларми?

— Ўзинг еявер, — деди Сарвиноз жеркиб.

Гулзоднинг томоғидан овқат ўтмади, ташқарига чиқиб кетди.

Орадан ярим соатлар ўтиб қайтиб кирганида хонада Парчагул йўқ, Сарвиноз эса хуноб бўлиб ҳаммаёқни остин-устун қилиб ётибди.

— Гулзод, пулим қани?

— Нима?

— Пулим! Кеча дадам ташлаб кетган эллик минг сўм.

— Нималар деяпсан, Сарви?

— Ўзингни гўлликка солма, биз чиққанда сен кириб пулимни олгансан. Ҳозир уни қаергадир яшириб келяпсан.

Гулзод қотиб қолди...

Эртаси куни Гулзод хонага кирган ҳам эдики, йиғлайвергандан кўзлари қизариб кетган Сарвиноз уни кўриши билан тескари қаради. Хонанинг бир четида ўтирган Парчагул эса бирданига унга ташланиб, сочидан чангаллади.

— Пулни, телефон билан тилла занжирни топиб келасанми ёки ўлдирайми?

Гулзод Парчагулнинг бақувват қўлларидан қутула олмай букилиб қолди ва шу тобда Сарвиноз унга яқинлашиб юз-боши аралаш ура кетди. Яхшиям-ки, комендант Ойгул опа шовқинни эшитиб хонага ҳовлиқиб кирди-да, Гулзодни уларнинг қўлидан зўрға ажратиб олди.

Гулзод бир неча кун ўзига келолмай ётоқхонанинг иккинчи қаватидаги курсдош дугоналарининг хонасида ётиб юрди, касалхонага бормади. Сарвиноз билан Парчагул унинг буюмларини олиб келиб хонага отиб кетди. Гулзод кутилмаганда рўй берган бу воқеадан тамом карахт эди, ўйлаб ўйига етолмасди. Курсдош дугоналарининг саволларига ҳам нима деб жавоб беришни билмас, Сарвинознинг қилиқларини эслаб, ёлғиз қолган вақтларида эзилиб-эзилиб йиғлаб оларди.

Шу орада Сарвинознинг Парчагул билан бирга тураётгани, бойвачча йигитларнинг япянги машиналарида сайр қилиб юришгани, бир йигитнинг Сарвинозга янги телефон, тилла занжир олиб бергани ҳақида эшитди. Гулзод бирмунча ўзига келгач, эртага ўқишга бораман, деган куни кечқурун кутилмаганда эшик тарақлаб очилиб, Сарвиноз хонага отилиб кирди. Унинг сочлари тўзғиган, ёқавайрон, чап кўзининг ости кўкарган, кўз ёшлари юзини ювиб тушарди.

Гулзод "Вой, Сарви, сенга нима қилди?", деб унинг олдига югуриб борди. Сарвиноз ўзини Гулзоднинг оёғига ташлади.

— Гули, Гулижон! Мени кечиргин, мени кечиргин, мен сенга туҳмат қилибман. Парчагулнинг ўзи ўғри экан. Оллоҳ менинг жазоимни берди, жазоимни... Мени кечир!..

**Қорақалпоқ тилидан
Туроб МАҚСУД таржимаси**

# МУҲИМИ — СЎЗНИ ҲИС ЭТИШ

Ҳар бир ижодкор билан индивидуал ишлаш, унинг ёзганларига муносабат билдириш осон эмас, албатта. Бу жараён ўзаро мулоқот, савол-жавоб тарзида ташкил қилинди. Маслаҳатлар берилди, ўрни келганда фойдали, жиддий танқидий мулоҳазалар ҳам айтилди.

Одатда адабиётшунослар ижодкорнинг асарларидан фазилат излайди. Тўлақонли образлар асосида туғилган бутун, тирик шеърларни ахтаради. Жуда бўлмаса, оригинал мисраларни топиб, шеърий тафаккурнинг қай даражада эканлигига аҳамият беради.

Мен андижонлик Садоқат Неъматова, жиззахлик Юлдуз Зоирова, наманганлик Меҳриноз Аббосованинг ижоди билан танишдим. Айниқса, 16 ёшга энди-энди тўладиган Меҳриноознинг инглиз тилини чуқур билиши, "Ўткан кунлар"дан катта-катта парчаларни ёд айтиши, қатъияти жуда яхши таассурот қолдирди.

**Дунё, мени анойи билма,
Камолим бахт бўлиб гуллайди.
Менинг сабрим тугагунича,
Сабрнинг ҳам сабри тугайди.**

Бунда ўзига ишонч, қатъийлик яққол сезилади.

Садоқат: "Ишонч — кўчаларда изғиган хазон" деб ёзган бўлса, Юлдуз "Болалик" номли шеърида:

**Умримнинг меҳмони гўзал болалик,
Гулжияк кўчадан чопиб юрибди —**

тарзида туйғуларини янгича ясалган гўзал сўзлар орқали баён этади.

Бугунги ёш иқтидор эгаларига эътибор, табиийки, кўркам сўзга, нафис адабиётга, демак, ўзбек адабиётининг келажагига эътибордир.

Истагим бундай анжуманлар анъанавий тус олиши, албатта, ҳар йили ўтказилиши лозим, деб ўйлайман.

— Анжуманда мутахассислар иштирокида ҳаваскор ижодкорлардан тест саволларига жавоблар олдик. Бунда ёш ижодкорнинг билим даражаси, дунёқараши, эстетик диди, сўзни билиши, ҳис этиши қайсидир маънода акс этди.

Баҳодир КАРИМОВ,
адабиётшунос олим

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ «ТЕЗ ПУЛ УТКАЗИШ» хизмати Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг! тел: 237-21-93; 237-16-24 e-mail: oao@post.uz

**Тақдир мени XX асрнинг бир қатор моҳир сўз усталари билан танишиш, мулоқотда бўлиш, ҳатто оға-ини, сафдош дўст, шогирд, улфат тутиниш бахтига муяссар этди. Илк танишувдаёқ мени ўзига ром этган адиблардан бири, шубҳасиз, Саид Аҳмаддир. Аллоҳ унга узоқ умр берди, роппа-роса саксон етти ярим йил яшади, бинобарин, ўзи айтганидай, саксон етти қиш, ёзни кўрди, бирини йиғлаб, бирини илҳом тўла ижод билан ўтказди...**



# БЕДОРЛИКДА ЎТГАН УМР

...Бир вақтлар ёзувчининг илк китоби "Тортиқ" ҳақида кескин танқидий мақола билан чиққан устоз Абдулла Қаҳҳор орадан чорак аср ўтиб шогирдининг "Уфқ" романини олқишлаб қарши олади. "Уфқ"қа бағишланган мақоласини "Илҳом ва жасорат самараси" деб атайди, ўзи ҳам илҳом ва шавқ ила тўлиб тошиб дилидагиларни тўкиб солади: "Бу – соф ҳаёт, ёзувчининг қалбини ўртаган, ардоқлаган, унга илҳом берган ҳаёт тасвири, оғир, шу билан бирга, гўзал, мунгли ва шу билан бирга фараҳбахш, мусибатга тўла ва шу билан бирга одамга қувват берадиган умид, унинг бошини "тошдан" қиладиган ишонч барқ уриб турган ҳақиқий ҳаёт манзарасидир".

Асарни адабий жамоатчилик ҳам илиқ қарши олди. Бундан илҳомланган адиб, трилогиянинг "Уфқ бўсағасида", "Қирқ беш кун" китоблари устида илҳом билан ижодий ишларини давом эттирди. Ҳар уч китоб XX аср миёнасидаги миллат тарихининг ёрқин кўзгуси сифатида адабиётимиз тарихидан муносиб ўрин олди.

"Уфқ" устида иш олиб борган ўн беш йиллик давр Саид Аҳмад ҳаётининг энг тотли, шукуҳли йиллари бўлди. Умр йўлдоши Саида опа оилада адиб учун ҳамма шароитни яратиб берди, трилогиянинг "Қирқ беш кун" китоби Андижонда, Катта Фарғона канали бошланиш қисмига яқин боғ ҳовлида ёзилди. Асарнинг қўлдан чиққан ҳар бир саҳифаси, бобларини Саида опа кузатиб, ўқиб, адибга рағбат, мадад бериб борди.

"Уфқ"дан сўнг Саида опа тириклигида адиб ижодидаги яна бир чўққи – "Келинлар қўзғолони" дунёга келди. Бу асар ҳам адибга катта шуҳрат келтирди.

Афсус, шундан кейин орадан бир йил ўтиб, кутилмаганда Саида опа оламдан ўтди. Адиб кейинги ўттиз йиллик умрини Дўрмондаги боғ-ҳовлисида ўтказди. Тенгдош ижодкор дўстлари, садоқатли шогирдлари уни ёлғиз қолдирмасликка ҳаракат қилдилар. Салкам ўттиз йил давомида бу даргоҳдан дўсту қадрдонларнинг, шогирдларнинг қадами узилмади; бу масканда кечган мароқли "мажолисун нафоис"лар, ҳазил-мутойибалар тилларда достонга айланди.

Шахсан камина ҳам улардан баҳраманад бўлганлардан бириман. Ўша йиллари Саид Аҳмад ака юртимиз бўйлаб кетма-кет сафарларга чиқарди, фақат ўзи эмас, яқин дўст, шогирдларини ҳам ёнида бирга олиб юрарди.

Бир гал иккимиз суҳбатлашиб ўтирганимизда устоз бирдан сардафтарини – бошдан кечирган мусибатларини сўзлай кетди. Ўша пайтга қадар бунақасини эшитмаган эдим. Лол бўлиб қолдим. Шунча кўргиликларни бошдан кечириб, бу хилда қувноқ, шўх-шодон ҳолда юриш, ичакузди, хушчақчақ асарлар ёзиш... Бунинг боисини сўраганимда, у шундай жавоб қилганди: "Чамамда, мени айни шу нарса – ҳазил-мутойибага ўчлик, юмор ҳиссининг кучлилиги сақлаб қолди. "Яратганнинг ўзи дард-офат билан бирга унинг давосини ҳам беради", дейишади-ку! Агар менда айни шу кулгига ўчлик бўлмаганида аллақачон кулфатлар қуюнида ғарқ бўлиб кетардим. Эҳтимол, шу ғам-кулфатларни унутиш учун ҳам хушчақчақ нарсалар ёзгим келгандир. Пайти келганда, айтиб ўтай, кулги орқали одам боласи ҳар қандай бало-қазолардан, ҳатто ўлимдан ҳам ғолиб келганлигига кўп бор иқрор бўлганман..."

Устознинг мени лол қолдирган яна бир хислати – ундаги бедорлик эди. Сафарларда, ёз ойлари Дўрмондаги боғ-ҳовлисида кўп бора шоҳид бўлганман. Тунлари унинг мириқиб ухлаб ётганини деярли кўрмаганман. Ҳар гал бехос уйғониб кетганимда уни сигарет тутатиб, хаёл суриб ўтирган ҳолда кўрардим. Бир гал у "Сенлар маза қилиб уйқуни урдиларинг, шундай чиройли тунни бекор ўтказдиларинг, мен эса миямда битта чиройли ҳикояни пишириб қўйдим, қани энди шу дамда машинкам ёнимда бўлса, ярим соатда уни қоғозга туширардим", деганди.

Бу хилдаги бедорлик устоз учун туғма хислатмикан? Қўрқув салтанати ваҳми, таҳлика авжига минган йилларнинг адиб шуури, руҳиятидаги асоратларимикан? Ёки ижодий ўй-мушоҳада, тасаввур учун берилган имкониятмикан?.. Барча тахминларда қандайдир даражада асос бор. Шуниси қизиқки, бошқалардан фарқли ўлароқ, устозда кун бўйи тунги бедорликнинг ҳеч қанақа салбий оқибати сезилмасди. Бутун ҳаёти давомида уни ҳазил-мутойиба, юмор туйғуси билан баробар айни шу бедорлик хислати бало-қазолардан асраб қолган, деб бемалол айтиш мумкин. Бир суҳбатда у: "Жуда кам ухлайман, доим тетик бўлишга ҳаракат қиламан", деганди. Умрининг аксар қисми сафарларда, одамлар, дўстлари орасида, ижодкор устоз, тенгдош, шогирдлар даврасида ўтган, ҳамиша davраларга ўзгача руҳ, шавқ бағишлаган бу аллома айни шу жўшқин davраларда асарлари учун бой хазина йиққан, тунги бедорлик чоғлари эса улар кўнглида Саидаҳмадона бадиий шакллар тусини олган, сўнг қоғозга тушган. Адиб асарларини ўқиганимда davраларда, қувноқ гурунгларда айтилган лутф, латифа, ҳазил-мутойибаларнинг акс садосини шундоққина кўриб, ҳис этиб тураман. Жумладан, адибга катта шуҳрат келтирган, миллий комедиямизнинг "Майсаранинг иши", "Шоҳи сўзана"дан кейинги намунаси, дея эътироф этилган "Келинлар қўзғолони" ҳам айни шу тарзда қувноқ, жўшқин davраларда туғилиб, бедорликда шакл-шамойилини топган. Асардаги ўта халқчил, пишиқ-пухта бадиий ифоданинг, сеҳрли кулгининг бош омили, замини ана шунда.

Истиқлол йилларида адиб ижодининг яна янги қирралари намоён бўла бошлади. Истиқлолга эришганимизда устоз 72 ёшда эди. Кекса бўлишига қарамай, аввалги "қуш уйқуси"ни ҳам тарк этиб, бутунисича илҳом ва ижод оғушида яшади. Мана шу йиллари у кўпдан бери юраги дов бермай келган яқин кечмиш тарихимиздаги, ўз оилавий ва шахсий ҳаётидаги, Қодирий ибораси билан айтганда, "энг кирлик қора кунлар" фожиасини қаламга олишга чоғланди. Бирин-кетин "Сароб", "Борса келмас дарвозаси", "Тақдир, тақдир", "Офтоб ойим" каби туркум ҳикоялари майдонга келди. Аммо уларни қоғозга тушириш осонликча кечгани йўқ. 2000 йил 5 май санаси билан "Халқ сўзи" газетасида эълон этилган каминага йўллаган хатида адиб бу туркум ҳикояларнинг яратилиш чоғидаги руҳий ҳолати, изтироблари хусусида шуларни ёзади:

*"Азизим Умарали! Сиз ҳар кўришганимизда "Бошингиздан ўтган воқеаларни ёзинг!", деб қистар эдингиз. Нима деб жавоб берганим эсингиздами?*

*У воқеаларни ёзмоқ учун хаёлан қамоқ лагерларига боришим, ўша азоб-уқубатларни қайтадан бошимдан кечиришим керак. Бунга энди юрагим бардош беролмас, дегандим.*

*Мана, "Борса келмас дарвозаси"га нуқта қўйдим. Ўрнимдан тураётганимда бошим айланиб ўтириб қолдим. Ичкари уйда телевизор кўриб ўтирган куёв ўғлим Маҳмуджонни чақирдим. У рангимни кўриб қўрқиб кетди. Шошиб томиримни ушлади. Ичкаридан аппарат олиб чиқиб, қон босимимни ўлчади: 200га 130.*

*Биламан, бу инсульт остонасидаги ҳолат.*

*Беш кун кечаю кундуз ухламай, ушбу хотирани ёздим. Гўё беш кун қайтадан қамалиб чиқдим.*

*"Сароб" деган ҳикоямни ўқигансиз. Унга ҳам нуқта қўйганимда шу аҳволга тушгандим. Ўшанда мени шу Маҳмуджон ўлимдан сақлаб қолганди. Кечаси соат учда неварам шаҳар уйимизга телефон қилиб, дадасига аҳволимни айтганида, у гўё Қибрайга учиб келган эди. "Тез ёрдам"ни чақириб, касалхонага оборган.*

*"Сароб"да ҳам лагерь, қамоқ воқеаларини ёзгандим. Юрак кўтаролмади. Шундоқ бўлишини билатуриб ёзган эдим. Қандоқ қора кунлар бошимизга тушганини биздан кейингилар билсин, деб ёздим.*

*Ўқиб кўринг, маъқул бўлса беҳад қувонардим.*

*Сизга самимий салом билан С.А.*
*2000 йил, 5 май".*

Ҳамдўстлик мамлакатлари халқлари, биринчи галда рус адабиётида лагерь ҳаёти тўғрисида жаҳонга машҳур асарлар бор. Ўзимизда ҳам айрим яхши роман ва қиссалар мавжуд. Уларда тоталитар режим ҳукмрон бўлган мамлакатни ГУЛАГ оролларига, бедаво "саратон корпуси"га қиёс қилишлар учрайди. Саид Аҳмаднинг бу мавзудаги ҳикоялари мавжуд асарлардан баралла ажралиб туради. Аввало, улар ўзбекона миллий руҳ билан йўғрилган, лагерь даҳшатлари ҳам ҳеч кимникига ўхшамайдиган Саид Аҳмадчасига ўзбекона бир нигоҳ билан идрок ва талқин этилади. Чунончи, "Борса келмас дарвозаси"га "халқ душмани" қизининг йиғлаб айтган қўшиғидан шундай сатрлар эпиграф – бош сўз қилиб келтирилган:

***Бу ватан қандай ватандир,***
***ҳар гўшасида турмалар,***
***Кўнгани бир ер тополмай***
***осмонда йиғлар турналар...***

Ватаннинг ўша йиллардаги манзарасини фақат Саид Аҳмадгина шу тарзда ўта миллий, жонли, бетакрор тарзда ифодалаши мумкин.

Ҳикоя яна ўша "халқ душмани" қизи куйлаган қўшиқдан олинган қуйидаги мисралар билан якунланади:

***Сиз асир бўлган қафасни***
***тишларим бирлан бузай,***
***Бузмасам маҳшар куни***
***бағримни армон тирмалар.***

Бу байт адибнинг ушбу туркум ҳикояларидаги бошқа бир ғоят муҳим жиҳатга ишорадир. Асарларда қаламга олинган ғам-ғуссага, мусибатларга тўла лавҳалар бағридан қандайдир одамга далда берадиган умид, унинг бошини "тошдан" қиладиган қудрат, зулматни ёритадиган сирли-сеҳрли нур барқ уриб туради. Энг муҳими, деярли ҳар бир ҳикояда ўзлигини, қалбидаги имон-эътиқод, она-юрт, ўзгаларга мурувват туйғусини йўқотмаган "боши тошдан" аломат матонатли инсонларга дуч келамиз. Жумладан, асарлардаги ҳикоячи – ровий (яъни муаллиф) образининг ўзи ана шундай сиймодир.

Адибнинг XX аср охирида чоп этилган "Йўқотганларим ва топганларим" китоби ҳам адабий-маданий ҳаётимизда муҳим ҳодиса бўлди. Ўз устозлари, тенгдошлари, издош-шогирдлари ҳақидаги эссе-бадиалардан иборат бу китоб ҳам адибнинг дилбар ҳикоялари, "Уфқ" трилогияси, қувноқ ҳажвия, комедиялари каби шавқ билан ўқилади, у аллақачон аср адабиётининг оғир ва шонли йўли, "ҳаётий лавҳалари"ни гавдалантирувчи жонли тарихи — ўқув қўлланмаси, деб тан олинган.

## Сиймолар

Бундай бетакрор китобни фақат қаламга олинган жамики ҳодисаларга жонли гувоҳ Саид Аҳмадгина ёзиши мумкин эди. Бу асар адибларимиз машъум замонларда қандай оғир шароит, вазиятларда яшаб ижод этгани, ўшандай замонларда ҳам ноёб бадиий дурдоналар яратишга эришгани тўғрисида ҳаққоний тасаввур беради. Китоб муаллифи улкан алломаларни қуруқ ҳимоя қилиш, нуқул улар шаънига ҳамду санолар ёғдириш йўлидан бормайди, уларни ҳаётда қандай бўлса, шундайича кўрсатади; шахсиятидаги, ижодидаги ожиз, зиддиятли ўринларни, уларнинг инжиқликларини ҳам рўй-рост айтади. Кези келганда, бу борада ўзини ҳам аямайди. Бу ҳол ўқувчига асло малол келмайди, аксинча, ўша улкан сиймоларга бизнинг ҳурмат-эҳтиромимизни янада оширади, уларни тўғри тушуниш, асарларидаги ожиз, зиддиятли жиҳатлар боисини англашга ундайди. Аслида адабиёт илмининг бош мақсади шу. Айни шу фазилати билан илмийликка асло даво қилмайдиган бу китоб баъзи саёз "соф" илмий тадқиқотлардан кўра илмийликка кўпроқ дахлдордир. Адибнинг "Киприкда қолган тонг" (2003), "Зилзила" (2005) китобларига кирган хотираларида ҳам шу руҳ давом эттирилди.

Шу тариқа истиқлол йилларида адиб ўзини чинакамига эркин ҳис этди, узоқ йиллар кўнглига бетиним ғулғула солиб келган "қўрқув салтанати" ваҳмларидан халос бўлиб, дилидаги оҳу зорларини тўкиб солишга эришди. Боз устига, адибнинг адабиёт, эл-юрт олдидаги хизматлари муносиб тақдирланди. "Буюк хизматлари учун" ордени, "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвонлари билан мукофотланди.

Қисқаси, эл-юрт ардоғидаги бу суюкли адиб Аллоҳ инъом этган узоқ ва машаққатли ҳаёт йўлидан мудом бедорликда омон ўтди, жамики синовларга дош беролди. Яратган етук асарлари қаҳрамонлари каби ўзининг ибратли ҳаёти, беназир шахсияти, суҳбатлари билан ҳам халқимиз, адабиётимиз тарихи, замондошлари хотирасида ёрқин из қолдирди.

**Умарали НОРМАТОВ**

---

# МАТН ТИЛШУНОСЛИГИ ВА ТАРЖИМАШУНОСЛИК

## уларнинг узвийлигини унутмайлик!

***Ҳозирги даврда матн таҳлилига икки хил назарий қараш кўпроқ тарқалган. Биринчиси — матнга адабиётшунослик нуқтаи назаридан қараш; у манбашунослик билан ҳам боғланади. Бунда кўпроқ мумтоз асарлар матнини нашрга тайёрлаш муаммолари ўрганилади, аслият матни, илмий, илмий-танқидий, чоғиштирма ва илмий-оммабоп ҳамда бирор тилга таржима қилинган матн турлари фарқланади. Албатта, бу матнларнинг барчасида тил билан боғлиқ масалалар мавжуд. Улар матн тилшунослиги, деб аталувчи иккинчи қарашни ташкил этади. Назаримда, биз кўпроқ матннинг адабиётшунослик билан боғлиқ жиҳатлари ҳақида гапирамиз-у, лекин матн тилшунослигининг илмий-назарий масалаларига етарли эътибор бермаймиз. Аслида, ҳар қандай матн тилнинг маҳсули, у ўзининг тил хусусиятлари билан ажралиб туради. Бирор асарни, масалан, мумтоз асарни ҳозирги алифбомизга ўгирганда, матннинг асосий мазмунини ифода қилувчи тил воситаларига жиддий эътибор бериш зарур.***

Алишер Навоий "Хазойин ул-маоний" асарининг матнини профессор Ҳамид Сулаймонов нашр эттирганди. Шу матн хорижда ҳам маълум. Канадалик йирик шарқшунос Элизар Бирнбаум Эрон кутубхоналаридан излаб топган Навоий бу асарининг икки матнидаги баъзи камчиликларни тузатишда Ҳ.Сулаймонов нашр этган матнга асосланганини ёзади. Матн тилини илмий ўрганишда ундаги товуш(ҳарф) ва мазмун муносабатига алоҳида эътибор қаратиш керак. Матн тилшунослиги илмий жиҳатдан бошқа тилшунослик соҳаларидан фарқ қилади. Тилшунослик, умуман, тилда фонема (товуш), морфема (энг кичик маънодор бирлик), сўз (тилнинг асосий марказий бирлиги), сўз бирикмаси ва гапни бирликлар сифатида ажратиб, уларни фонология, морфология, лексика, синтаксис ва стилистика каби тил босқичларида ўрганади.

Матн тилшунослигидаги асосий бирликлар: матн, абзац, мураккаб синтактик бирикмалар ва гап(жумла)дан иборат. Агар тилда энг йирик бирлик гап бўлса, матнда у энг кичик бирлик бўлиб қолади. Бинобарин, анъанавий тилшунослик ва матн тилшунослиги ўртасида катта фарқлар бор. Матнга бир бутун система ва структура сифатида ёндашилса, фарқлар янада ойдинлашади. Ҳозирги даврда мавжуд бўлган матн тилшунослигига доир турли назарий қарашлар ҳам ўзаро фарқланади, лекин улар негизидаги энг асосий муаммо — матн тузилиши ва унда мазмуннинг тилдаги ифода воситалари билан берилишидир. Бироқ матндаги ҳар бир бирлик доирасида тилдаги турли категориялар ва уларнинг қўлланишини алоҳида ўрганиш мумкин.

Ҳозир юртимизда матн тилшунослигига доир йирик асар ёки дарслик, назарий концепция йўқ. Бу соҳада яратилган баъзи ўқув қўлланмаларигина мавжуд, бироқ улар ҳали оммалашмаган. Матн тилшунослиги магистратура ўқув режасига киритилиб, ўзбек, Шарқ ва Ғарб тиллари ўрганилаётган бўлимларда ўқитилмоқда. Лекин бу соҳада яхши натижаларга эришганимиз йўқ. Матн тилшунослигида хорижда таклиф этилган кўпгина назарий қарашлар мавжуд. Улардаги ижобий жиҳатлардан ўз дарсларимиз ва амалий фаолиятимизда, матн табдили ва таҳлили соҳаларида фойдаланиш мумкин. Олимлар кўпроқ мумтоз асарлар матнини тайёрлаш ва уни ўрганиш соҳасида ўз фикрларини айтмоқдалар. Бироқ мумтоз асарларимизнинг Ғарб тилларига таржималарини ўрганиш, улар таҳлили ва табдили масалаларини ҳам унутмаслик лозим.

Баъзи мумтоз асарларимиз форс, инглиз, немис, француз, япон ва бошқа тилларга таржима қилинди, уларнинг таржималари ҳақида номзодлик, докторлик диссертациялари ёзилди. Бу соҳада таржимашуносликни адабиётшунослик таржимаси ва тилшунослик таржимаси деб, уларга махсус шифр бериб, икки мутахассисликка бўлиб юборилганини ноўрин, деб ўйлайман. Ахир, таржима назариясининг асоси аслият тили билан таржима қилинган тил хусусиятлари ва уларни чуқур қиёслашдан иборат эмасми? Асар ёзилган тилда ва таржима қилинган тилда сўзловчи халқларнинг психологияси, маданияти, урф-одати ва бошқа жиҳатларини яхши билмай бадиий асар таржимаси билан шуғулланиш яхши натижа бермайди. Ана шу жиҳатдан таржимашунослик бошқа кўпгина фанлар ва уларнинг турли соҳалари билан узвий боғланган. Таржима доим асосан тил ва адабиёт оралиғида бўлиб келган; шу сабабли баъзан хорижий тадқиқотчилар таржиманинг тилшунослик ва адабиётшунослик билан боғлиқ бўлимларини кўрсатадилар, лекин уларга ҳеч қачон икки мутахассислик сифатида қарамайдилар.

Фикримиз далили — 2004 йили Камбриж университети нашриётида чоп этилган Басил Хатимнинг "Таржима" номли дарслиги ва яна шу муаллифнинг "Таржима ва бу соҳада илмий-тадқиқот олиб боришга ўргатиш" номли ўқув қўлланмасида айнан шундай қараш мавжуд. Таржима аслида бир тилдаги матнни бошқа бир тилга ўгиришдир. Аслият матни ва таржима қилинаётган тилга ўгирилган матн босқичма-босқич бир-бири билан чоғиштирилиши натижасида ҳосил бўлувчи бу жараённи тиллараро матнларни қиёслаш, деб аташ мумкин. Яхши таржима натижасида асар муаллифининг услуби, ўз "овози", маҳорати, баъзи тил аломатлари сақланиб қолади. Шу ижобий хислатлар моҳир таржимон Иброҳим Ғафуров томонидан Чингиз Айтматовнинг рус тилидан ўзбек тилига таржима қилинган "Қулаётган тоғлар" асари матнида кўплаб топилади. Таржимада И.Ғафуров ўзининг тилни чуқур билишини намойиш этган. Назаримда, унинг таржима жараёнида қўллайдиган ўз луғати бор. Мана, эътибор беринг: "...кабобларнинг ҳидлари кўкка ***ўрлаган***"; ***...сериздиҳом*** азим шаҳарда турар" "олти ой музқори эримайдиган ***терскайларда*** истиқомат қиларди. Шунинг учун уни қорли тоғлар ***илвирси*** деб аташарди, қор ***уюримлари***..."; "...эчкилар ***ҳуркак,*** сезгир кўзларини йилтиратиб..."; "...улар товушдан ҳам тез учишади – жонлари, туёқларининг кучида – ***барашмайди***...", "...***сувлоқдан*** бош кўтариб, ***...сувотга*** бораётган кийиклар..."

Бу сўз ва ибораларнинг кўпчилиги ҳаттоки беш жилдли изоҳли луғатдан ҳам топилмайди. Аслият матнига таржима жараёнида қандай ёндашиш, зарур сўз ва ибораларни топиб, уларни ўз ўрнига қўя олиш, урф-одат, маданият, психология ва ҳаётнинг энг новик томонларини яхши билиш натижасида Чингиз Айтматовнинг "Қулаётган тоғлар" асари гўё ўзбек тилида ёзилгандек туюлди менга.

Матншунослар бадиий асарлар матнига ясси(горизонтал) ва тик(вертикал) ҳолатлар жиҳатидан қарайдилар. Биринчи ҳолатда матн, абзац, мураккаб синтактик бирикма ва гап фарқланса, иккинчи — тик ҳолатда матн ичидаги барча хусусиятлар мазмунни ташкил этиши кўринади. Таржимада ҳам ана шу икки ҳолат эътиборга олинади.

Матншуносларни тайёрлашда хорижий тилларни, хусусан, турк, араб, форс, ҳинд, хитой, корейс, япон, инглиз, немис, француз, испан, италян ва бошқа тилларни ўргатиш фойдадан холи эмас. Чунки ўзбек мумтоз адабиёти намуналаридан баъзилари ана шу тилларга таржима қилиниб нашр этилган. Ҳозирги даврда араб ва форс тилларидан ўзбек тилига ёки, аксинча, ўзбек тилидан араб ва форс тилларига таржима қилувчилар кўпроқ топилади. Бироқ Ғарб тилларидан, ҳаттоки рус тилидан ўзбек тилига ёки, аксинча, ўзбек тилидан рус тилига таржима қилувчилар анча камроқ. Тўғри, кейинги даврда булар ҳам кўпайиб бормоқда, лекин эҳтиёжни қондира оладиган даражада эмас. Бу таржимонлар магистратура ёки алоҳида курсларда ўқиган, назарий ва амалий билимларни яхши эгаллаган бўлишлари лозим. Таржима назарияси ва амалиёти бўйича бакалавриат ва магистратурани Ўзбекистон Миллий университети хорижий филология факултетида қайта тиклаш мақсадга мувофиқдир.

Албатта, матншунослик ва манбашунослик адабиётшунос, тилшунос, психолог, тарихчи ва файласуфларни бирлаштириб туради. Чунки мумтоз асарларнинг кўпроқ матнлари шу соҳаларга оид.

Назаримда, Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида матншунослик ва манбашунослик бўлими ташкил этилиб, унга бу соҳаларни мувофиқлаштириб турувчи марказ вазифасини бажариш топширилса, айни муддао бўлур эди.

**Абдузуҳур АБДУАЗИЗОВ,**
**ЎзМУ профессори**

---

## Таҳририятга хат

# АФСУСДАМАН...

Мутрибий Самарқандийнинг "Тазкират уш-шуаро" асаридан олинган Мирзо Улуғбек мадрасаси деворидан кўчирилган харита тўғрисидаги мақоласи (И.Бекжон, "Аввал ўзингга ур...", "ЎзАС", 2010 йил, 5-ноябр.) учун муаллифга раҳмат айтаман ва унинг илмий иши таҳсинга сазовор эканлигини эътироф этаман. Энг асосийси, бу кашфиётга даъвойим бўлмаган ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Аслида воқеа шундай бўлган. Устозим — собиқ Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси директори Н.Маҳмудов мени чақириб, И.Бекжоннинг мақоласини кўрсатдилар. Жуда суюниб кетдим, зеро, буюк алломанинг "Илмий ва шаҳарсозлик мероси" номли кўргазмасини ташкил қилиш учун материаллар йиғилаётган эди. Тошкент шаҳрига сафарга отландим. Шарқшунослик институти директорига учрашиб, муддаони айтганда, у кишининг рухсати билан фақат харита суратини эмас, балки Улуғбек меросига тааллуқли бошқа манбаларнинг фотонусхаларини ҳам олдик. Бу сафардан мақсад Мирзо Улуғбекнинг том маънода илмий ютуқлари, унинг буюклигини акс эттирадиган янги маълумоту далиллар йиғиш бўлди. ОАВ ходими Т.Раҳмутуллаев келиб, ушбу ноёб топилма ҳақида суриштирди. Натижада интернет саҳифасида муаллиф номи зикр қилинган харита тўғрисидаги мақола чоп эттирилибди. (Тўғрисини айтсам, интернет саҳифаларидаги мақолаларнинг бирортасини ўқиганим йўқ эди.) Ушбу кичик хабардан сўнг турфа хил номақбул интернет блог ва интернет саҳифаларида кетма-кет харита тўғрисидаги шов-шувли мақолалар чиқа бошлади. Катта шов-шувларга сабаб бўлган ушбу хабар тез орада кенг жамоатчиликка тарқалиб кетди. Ҳурматли муаллиф Исмоил Бекжон айтганидек, бу нотўғри хабарлар мени чўчитиб юборди, зеро, асл ҳақиқат тамомила ўзгартирилиб, асосли равишда илмий мавзу муаллифининг эътирозига сабаб бўлиши мумкин эди. Шундан кейин мен хабар муаллифи Т.Раҳматуллаев билан учрашиб, қаттиқ ранжиганимни айтдим ва раддия ёзишини уқтирдим. Т.Раҳматуллаев ҳам ушбу шов-шувдан хурсанд эмасди, балки қаттиқ эътирозда эди. Интернет саҳифаларида чоп эттирилган раддия мактуби қилган "гуноҳларим"ни оз бўлса-да енгиллаштиради, деган умидда эдим, лекин афсусдаман.

Ҳозирда Улуғбек мадрасаси дарсхонасида "Мирзо Улуғбек илмий ва шаҳарсозлик мероси" номли кўргазмада хаританинг китоб нусхаси ва терида акс эттирилган каттароқ нусхаси билан биргаликда Шарқшунослик институтидан олинган султон ва олим илмий меросига тааллуқли адабиётлар нусхалари қўйилди.

Менинг ҳеч қандай илмий даражам йўқ ва бунга интилмаганман ҳам. Энг асосийси, бошқаларга хусуматим ҳам йўқ. Раҳматли отам — қадимий паҳлавий тили ва ёзуви мутахассиси "Яхшиликни қил ва дарёга от", деб айтардилар. Икки йиллик материал йиғиш ва тўплаш ишлари (кўргазма учун) илмий унвон ёки обрў учун эмас, балки Мирзо Улуғбек илмий ва шаҳарсозлик меросини кенг жамоатчиликка етказиш, тарғиб-ташвиқ этиш учундир. Интернет саҳифаларида мақолалари берилган, мен учун мавҳум (мақолада номи зикр этилган "журналистлар") ва шахсан ўзим номимдан ва мен кўрмаган одамлар номидан ҳам узр сўрайман. Мақолани ўқиб чиқиб, баъзи жойларда асоссиз танқидга учраганим ўзимнинг хатойим эканлигига амин бўлдим. Улар мен билан, ҳатто телефонда ҳам гаплашмай, номимдан маълумот берганлари кишини ҳайратга солади.

Ҳурматли таҳририят, раҳматли директоримиз Қ.Ҳасанов ва шахсан мен Сиз эълон қилган мақола сабабли ушбу харита кенг жамоатчиликка етганлигини доим эътироф этганмиз. Бунга ҳеч қачон даъво қилмаганмиз.

Ҳурмат ва эҳтиром ила

**Беҳруз МАЪРУФИЙ**

*Самарқанд*

---

# НАВОИЙДА АДАБИЁТ КУНЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилингаuбнинг 18 йиллиги муносабати билан юртимизнинг таниқли ижодкорларидан бир гуруҳи Навоий вилоятида ижодий сафарда бўлди.

Бугун мамлакатимизнинг энг навқирон вилояти ҳисобланган Навоийда ҳаёт қайнаётир. Буюк мутафаккир шоиримиз номи билан аталадиган ушбу заминда амалга оширилаётган яратувчанлик ишлари бугун барчанинг, шу жумладан, таниқли ижодкорларнинг ҳам эътиборини тортаётгани бежиз эмас. Зеро, адабиёт кишилар бахтини, орзу ва армонларини акс эттиргани учун ҳам ҳамиша қадирлидир.

— Истиқлолимиз туфайли ўз бахтини ҳалол меҳнат туфайли топаётган, рационализаторлик таклифлари ва ихтиролари билан улкан ютуқларга эришаётган навоийлик кончилар ва кимёгарлар ҳақида янги асарларни яратиш маврида келди, — дея таъкидлади Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов учрашувларнинг энг аввалида.

Ўзбекистон халқ шоирлари Сирожиддин Саййид ва Маҳмуд Тоир, адабиётшунос олим Султонмурод Олим, таниқли шоира Фарида Афрўз томонидан ўқилган шеърлар навоийлик шеърият ихлосманлар томонидан қизғин кутиб олинди.

Ижодкорлар Навоий кон-металлургия комбинати, "Навоийазот" корхоналарида бўлиб, қўлга киритилаётган ютуқлар билан яқиндан танишдилар. Вилоят марказидан анча олисда жойлашган Зарафшон ва Қизилтепа шаҳарларида, Зафаробод ва Нуробод қўрғонларида бўлган учрашувлар ҳам мароқли ўтди. Навоийлик кончилар, фермерлар, тиббиёт ходимлари, педагоглар, талабалар ва ўқувчилар ижодкорлар билан дилдан суҳбат қуришди.

**Баҳриддин САДРИДДИНОВ**

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ
1992-2010 йилларда чиқарилган Ўзбекистон почта маркалари, блок ва кичик варақларнинг мавзули ва йиллик тўпламлари кляссер ва буклетларда сотувда мавжуд.
Сайт: www.pochta.uz ; e-mail: oao@post.uz

# Ижод эркинлиги ва янгича тамойиллар

Муносабат

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида сўзлаган маърузаси бадиий ижод аҳлининг изланишлари учун ҳам бевосита аҳамият касб этади. Маърузада мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси аниқ ифода этилди. Илгари сурилган устувор вазифалар замирида, ҳеч шубҳасиз, жамиятимизда маънавият ва маданиятни янада юксалтириш тамойиллари мужассам. Дарҳақиқат, ижодкорларнинг адабиёт ва санъат соҳасидаги масъулиятли вазифалари мамлакатда рўй бераётган улкан ҳодисалар билан бевосита ҳамоҳангдир. Буларнинг бари эришилаётган ютуқлар кўзгусида ҳам кўринади.



Маълумки, қонун устуворлиги кафолати бўлган юртда ҳамиша янги ижодий марралар забт этилади. Биргина ижод эркинлигининг ўзи истиқлол йилларида бадиий ижодкорларимизнинг турли жанрларда, турли оқимлар ва йўналишларда замонавий асарлар яратишида имконият эшикларини кенг очди. Халқаро кўргазмалар ва анжуманларда намойиш этилаётган ижодкорларимиз асарлари ана шундан далолат бериб турибди. Агар сўнгги йилларда бу соҳада эришилган ютуқларга назар ташласак, Бадиий академия ижод аҳли тарихий ва замонавий мавзуларда ранг-баранг асарлар яратаётганларини кўриш мумкин. Тизимдаги барча ташкилот ва муассасаларнинг ижодий жамоалари томонидан салмоқли ишлар амалга оширилди. Жумладан, халқимизнинг бой маданий меросини ўрганиш ва асраб-авайлаш, таъмирлаш, тасвирий, амалий, миниатюра санъати анъаналарини ривожлантириш, жаҳон санъати тажрибаларини ижодий ўзлаштириш, бу санъат турларининг халқимиз маънавий-маданий ҳаётидаги ўрнини белгилаш, ёшлар менталитетини, илғор дунёқарашини кенгайтиришдаги аҳамиятини янада ошириш мақсадида режали ишлар давом эттирилди. Биргина 2010 йил натижаларига назар ташласак, унинг самаралари яққол намоён бўлади. Масалан, Бадиий кўргазмалар дирекцияси томонидан шу даврда 20 та бадиий кўргазма ўтказилди.

"Баркамол авлод йили" давлат дастурига оид "Тасвирий санъат+5" ҳафталиги ўтказилиб, унда тизимдаги барча иқтидорли ёшлар иштироки таъминланди. Ҳафталик мобайнида таниқли рассомлар иштирокида маҳорат-дарслари ташкил қилинди. Тадбирлари барча вилоятлар маркази ва Қорақалпоғистон Республикасида ҳам юксак уюшқоқлик билан ўтказилди. Туркманистонда ўтказилган халқаро тасвирий ва амалий санъат фестивалида икки ёш ижодкор иштирок этиб қайтди. "Ўзбекистон хотин-қизлари XIX-XX асрлар фотоларида", "Ўзбекистон – Марказий Осиёнинг юраги" фотокўргазмалари, Корея профессионал рассомлар ассоциацияси билан 10-анъанавий ўзбек-корейс рассомлари кўргазмаси, Латвия элчихонаси билан "Латвияда бир кун" кўргазмаси, Хитой халқаро фонди билан "Буюк ипак йўли – тинчлик йўлида саёҳат" кўргазмаси муваффақиятли ўтди. Тошкентдаги Алишер Навоий номидаги театр майдонида жаҳон музейлари ва галереяларидаги энг сара юз асарнинг нусхасидан иборат ретроспектив кўргазма ташкил қилинди.

Санъат назарияси ва амалиёти соҳасида миллий мутахассисларни тайёрлаш тизимини мунтазам такомиллаштириб бориш, таълим жараёнига янги технологияларни жалб қилишга устувор вазифалардан бири сифатида қаралмоқда. Таниқли мутахассислар иштирокида маҳорат дарслари, илмий-назарий тадбирлар ўтказиш анъанаси давом эттирилмоқда. "Ўзбекистон санъати ёшлар нигоҳида" деб номланган анъанавий илмий-амалий анжуманда тизимдаги ўқув юртлари талабаларидан ташқари санъат ва маданият йўналишида таҳсил олаётган бошқа олий ўқув юртларининг талабалари ҳам иштирок этди. Иқтидорли талабаларнинг "Графика ижодий ишлари" кўргазмаси ўтказилди. Ўқув юртлари томонидан таълим тизимини замон талабларига кўтариш юзасидан меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштиришга, вазифаларни аниқ белгилашга қаратилган таклифлар тайёрланмоқда.

Ўзбекистон санъатини тадқиқ қилиш мақсадида К.Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида иккита инновацион лойиҳа, жумладан, "Ўзбекистон тасвирий санъатида миллий ғоя тамойиллари" ҳамда "Либос тарихи" лойиҳалари устида иш олиб борилмоқда.

15 дан ортиқ ижодкор Россия, Туркманистон, Германия, Саудия Арабистони, Хитой ва Францияга ижодий сафарларга юборилди, уларнинг турли кўргазмаларда иштирок этишларига кўмаклашилди. Саудия Арабистонида ўтказилган "Ислом давлатлари маданий мероси ва уларнинг иқтисодий ҳамда маданий тараққиётдаги ўрни" халқаро конференциясида ўзбек рассомлари фаол иштирок этди.

Шу кунларда "Тошкент қувончлари" 3-халқаро болалар расмлари биенналеси ўтказилмоқда. Озарбойжон Миллий Фанлар академияси билан Ўзбекистон Бадиий академияси ўртасида ҳамкорлик шартномаси тайёрланди.

АҚШ, Аргентина, Беларус, Германия, Миср, Мўғулистон, Озарбойжон, Словакия, Туркманистон, Финляндия, Хитой, Ҳиндистондаги манфаатдор ташкилотлар билан турли кўргазмалар ўтказиш, мутахассислар алмашинуви юзасидан ҳам ҳамкорлик олиб борилмоқда.

"Миср ўзбек рассомлари ва Ўзбекистон мисрликлар нигоҳида" бадиий кўргазмаси Миср-Ўзбекистон маданий ҳамкорлигининг ўзига хос кўриги бўлди. Қуролли кучлар музейини шакллантиришда Бадиий академия фаол қатнашмоқда. "Ватанга қасамёд" ҳайкали барпо этилди. Мирзо Улуғбек, Ойбек ҳайкаллари яратилди. Ижодкорларимиз Самарқандда М.Улуғбек расадхонасини таъмирлаш, янги музей ташкил қилишда, Бухорода "Кўҳна ва боқий Бухоро" мажмуасини барпо этишда фаол иштирок этди. Шу кунларда Францияда Абу Али Ибн Сино ва Ҳиндистонда Абу Райҳон Беруний ҳайкалларини ўрнатиш бўйича ташкилий-ижодий ишлар фаол олиб борилмоқда. Бундай улуғвор бунёдкорлик ишлари кўламини кенгайтиришда ва уларни амалга оширишда янги тақдим этилаётган демократик ислоҳотларга оид ҳужжатлар кенг имкониятлар эшигини очади, деб ўйлаймиз.

**Нодир НОРМАТОВ**
**Ўзбекистон Бадиий академияси Ахборот ва халқаро алоқалар бошқармаси бошлиғи**

# ОРОМБАХШ АРҒАНУН

Созлар тарихидан

**Инсон тафаккурида юз бераётган эврилишларни оҳанглар воситасида ифодалайдиган мусиқа санъати элларни, дилларни эзгулик йўлида бирлаштиришга қодир. Машҳур тарихчи Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома» китобида Амир Темур даврида ўтказилган мусиқий анжуманлар ҳақида тўхталиб, «Яхши овозли хонандалар куйлашни бошлаб, ғазалу нақш айтур эрдилар. Ва турку мўғул, хитойу араб ва ажамдан ҳар ким ўз расми билан нағма айтур эрди», деб ёзади.**

Мустақиллик йилларида улуғ бобокалонларимизнинг эзгу анъаналари муносиб давом эттирилган ҳолда, мусиқа санъатини кенг ривожлантиришга давлатимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилаётгани эътирофга лойиқ. 2008 йили қабул қилинган «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган давлат дастури тўғрисида»ги қарор доирасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар шарқона ҳаёт фалсафасида таълим ва тарбия тушунчалари ҳамиша бир-бирини тўлдириб келишининг амалий ифодасидир. Бошланғич мусиқий таълим тизимини тубдан такомиллаштиришни кўзда тутадиган ушбу Дастурда 136 та янги болалар мусиқа ва санъат мактабини қуриш, фаолият кўрсатаётган 142 та мусиқа мактабини капитал таъмирлаш, уларни замон талабига мувофиқ мусиқа асбоблари, ўқув ва мусиқа ускуналари билан жиҳозлаш белгиланган.

Бугун қарор ижроси доирасида жойларда қад ростлаётган муҳташам мусиқа мактабларида ёшларимиз жаҳон санъатининг илғор намуналарини ижодий ўзлаштириб, юртимиз ва жаҳон классик композиторлари яратган куй-қўшиқларни маҳорат билан ижро этмоқда. Бу эса фарзандларимизни бугунги мураккаб глобаллашув шароитида ўз фикрига эга, иродали ва фидойи инсонлар қилиб тарбиялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Шу жараёнда бошқа миллий ва замонавий мусиқий созлар қаторида қадимий мусиқа асбоби — орган (арғанун) ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Юнон муҳандиси Ктесибий томонидан милоддан аввалги III асрда кашф этилган орган дамли клавишли чолғу асбоби ҳисобланади. Одатда ёғоч ва металлдан ясаладиган органдан даставвал жанговар вазиятларда кенг фойдаланилган. Қадимги Юнонистон, Рим ва Византияда орган ҳатто олтин ва кумушдан ҳам ишланганi унинг бетакрор чолғу асбоби бўлганидан далолат беради. Зеро, орган мусиқий чолғулар орасида энг буюги ва ҳашаматлиси ҳамда энг қадимийси ҳисобланади. Шу билан бирга орган икки услубни бир вақтда уйғунлаштириб ижро этиладиган мураккаб чолғу ҳамдир.

Асосан, якканавоз мусиқа асбоби бўлган арғанун — орган ижрочининг бутун борлиғи ҳаракатда бўлишини талаб қилади. Машҳур бастакор В.Моцарт «Орган — чолғу асбобларининг қироли», деб таъкидлаган эди. Чиндан ҳам дунёда иккита бир хил, яъни бир-бирини тўлиқ қайтарадиган орган бўлмайди. Чунки у кўриниш ва тузилиш жиҳатдан махсус маконга (хонага) мослаб, замонга хос қурилади, уни бир жойдан иккинчи жойга кўчириш иложсиз иш. Чолғунинг ҳажми ҳам хилма-хил. Хонанинг акустик хослигига қараб, тембр жозибаларига қарашли ҳар хил ўлчамдаги найлар қатори, яъни регистрлар 10 тадан 264 тагача бўлиши мумкин.

Ўз садолари билан универсал чолғу асбоби ҳисобланган орган бутун бошли оркестр вазифасини бажаришга қодир. Манбалардан маълум бўлишича, мазкур чолғу асбоби арған ёки арғанун номи билан Шарқ халқлари мусиқа амалиётида эрамиздан олдинги даврданоқ маълум бўлган. У ҳақдаги кенг маълумотлар асосан ўрта асрларга тегишли қўлёзмаларда кўплаб учрайди. Қомусчи олимлар Бану Мусо бин Шокир ва Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий асарларида қайд этилишича, арғанун бир неча қорамол терисидан тайёрланган учта меш ва уларга бириктирилувчи 12 тадан 40 тагача бўлган йўғон-ингичка мис найлардан таркиб топган.



Осиёда IX асрда арғануннинг маҳоратли ижрочилари одамлар кайфиятини кўтариш учун турфа куйларни ижро этишган. Улуғ аждодимиз Абу Али Ибн Сино «Китоб уш-Шифо» асарида барбат, танбур, шоҳруд, ғижжак, флейта, сурнай каби чолғу асбоблари билан бир қаторда Византия арғануни ҳақида ҳам батафсил тўхталиб, унинг инсон саломатлигини мустаҳкамлашдаги аҳамиятига (руҳиятни кўтариши, фикрлашга ундаши) юқори баҳо беради. XIV асрда яшаган Абдулқодир ал-Мароғий «Мақосид ал-Алҳон» рисоласида арғануннинг тузилиши, вазифалари ва афзалликларига муфассал тўхталиб, «...арғанун Фаранг юртида кенг ёйилди, у икки қатор найлардан иборат. Бу найлар мисдан тайёрланган. «Бам» найлари узун, «зер» найлари қисқадир», деб ушбу чолғунинг таърифини келтирган. Тарихчи Бану Мусо бин Шокирнинг қайд этишича, араб халифалари саройида 12 найдан иборат муристус деган чолғу асбоби бўлган ва у кўп жиҳатдан Ктесибий органига ўхшаб кетган. Тўрт киши махсус педалларни босиб, терили мешларга ҳаво тўплашган. Мешлардаги ҳаво найларга юборилган ва ундан садо ҳосил бўлган.

Мусиқашунос Л.Ройзман «Рус мусиқа санъати тарихида органнинг ўрни» асарида «...рус шоҳи Алексей Романов 1675 йилда Бухоро хони Абдулазизнинг илтимосига кўра орган ва уни чалиш учун Ф.Текутьевни Бухорога жўнатади. У саройда орган чалиб, акобирлар кўнглини хушлайди» деб ёзади. Умуман, арған деярли барча даврларда юртимиз мусиқа санъатида ўз ўрни ва аҳамиятига эга бўлган. Форобий, Ал-Исфаҳоний, Абу Али Ибн Сино, Дарвешали Чангий, Хусрав Деҳлавий, Алишер Навоий ва бошқа шарқ мутафаккирлари асарларида арғанун мусиқасидаги эстетик қувват, таъсир имкониятлари ва унинг инсонга берадиган маънавий озиғига юксак баҳо берилган.

Арғанун XIII-XV асрларда кўпроқ Европада оммалашган ва ҳозирги кўринишига босқичма-босқич ривожланиб етиб келган. Профессионал композиторлик ижодиётида ҳам анча илғор мусиқий намуналар юзага келган. Жаҳон композиторларидан Д.Фрескобальди, Ф.Куперен, И.С.-Бах, В.А.Моцарт, Ф.Менделсон, М.Регернинг орган учун ёзган кўплаб асарлари маълум. Иоганн Себастьян Бах органнинг янги имкониятларини очиб бериб, прелюдия, фантазия, токката каби мусиқий жанрларни фуга билан бирлаштирди.

Шу ўринда масаланинг нозик бир жиҳатига тўхталиб ўтсак, яъни, айрим кишиларда, орган фақат черковга хос чолғу деган қараш мавжуд. Тўғри, орган VII асрда Папа Виталиан томонидан католик черковига олиб кирилган ва у черковга шу даражада мослаштирилганки, бугун черковни органсиз бамисоли сепсиз келиндек тасаввур қилишади. Аммо орган на миллий, на диний чолғу эмас. Унда барча миллат вакиллари ўз миллий мусиқаларини ижро этишлари мумкин. Орган ҳамиша соф санъатга, умумбашарий маънавиятга хизмат қилиб келган.

Юртимизда шу кунгача жами бешта орган ўрнатилган бўлиб, бугун уларнинг учтаси тўлиқ ҳолда халқимизга хизмат қилиб келмоқда. 1948 йили собиқ консерватория биносида орган синфи ташкил этилган. Ҳозир В.Успенский номидаги мусиқа академик лицейидаги орган 1974 йили германиялик мутахассислар томонидан ўрнатилган.

Мустақиллик йилларида мусиқий таълимни сифат жиҳатидан юксак босқичга олиб чиқиш, халқимиз, айниқса, ёшларимизни жаҳон мусиқа санъатидан баҳраманд қилиш, уларнинг онги ва қалбида маънавий иммунитетни шакллантириш ва мустаҳкамлаш йўлида қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда. 2006 йил 11 ноябрда Ўзбекистон давлат консерваторияси биносида Орган концерт залининг очилгани бунинг ёрқин далилидир. Бугун В.Успенский номидаги мусиқа академик лицейи ва Ўзбекистон давлат консерваториясида орган синфи ташкил этилган. Консерваториянинг махсус фортепиано кафедрасида таҳсил олаётган пианиночилар орасидан энг қобилиятлилари, уларнинг хоҳишига қараб, орган ижрочилигига танлаб олинади.

Орган чолғуси гўзал имкониятлари билан ўзбек композиторлари ижодида ҳам муайян асарлар дунёга келишига сабаб бўлди. Георгий Мушелнинг «Сюита» (1947), «Орган ва виолончел учун поэма»си (1948) миллий куйларимиз асосида орган учун ёзилган дастлабки мусиқий асарлар ҳисобланади. Кейинчалик Тўлқин Қурбонов, Мустафо Бафоев, Ҳабибулло Раҳимов, Феликс ва Дмитрий Янов-Яновскийлар, Муҳаммаджон Отажонов сингари ўзбек бастакорлари орган учун махсус мусиқий асарлар ёздилар.

Орган учун ёзилган миллий куйларимизда миллий қадриятларнинг умуминсоний маънавиятдаги ўрни ва аҳамиятини бутун дунёга намоён қилишимиз учун биринчи навбатда, маҳоратли орган ижрочилари ҳамда орган учун мукаммал асарлар ярата оладиган бастакорларни тарбиялаш зарур. Зеро, бугун мамлакатимизда изчил ривожлантирилаётган мусиқа санъати инсон камолоти учун, биринчи навбатда, ёшларимиз онги, диди, дунёқараши, тасаввури ва тафаккури юксалиши йўлида хизмат қилмоғи лозим.

**Мунира АМИНОВА,**
**Ўзбекистон давлат консерваторияси доценти**

# МУСАВВИР ВА МУРАББИЙ

Санъатимиз фидойилари

"Ёшлигимда кўк-мовий рангдаги нарсаларни кўрсам ёнидан кетолмай қолардим, уйдаги сандиқларнинг таги кўк рангли қоғозларга тўлиб кетарди. Нима учун уларни йиғардим, бунга ҳозир ҳам жавоб тополмайман... Уйимиз деворларига ҳар хил расмлар чизиб, онамдан дакки эшитардим...", дея хотирлайди ўзининг ёшлиги ҳақида рассом Намоз Султонов. Ана шу қизиқиш уни Тошкент Театр ва рассомлик санъати институти (ҳозирги Санъат институти)га етаклади. Туғма истеъдод ва институтда олган сабоқлари туфайли яхшигина рассом бўлиб етишди. Асарлари мутахассислар ва мухлислар тилига тушди.



«Намоз аканинг ижоди менга баҳорнинг бўтана сувларини эслатади, — дейди ёзувчи ва санъатшунос Нодир Норматов. — Баҳорнинг шиддатли бўтана сувлари тиниқ, зилол бўлмасада, заминга, гулу ғунчаларга, дов-дарахтларга куч-қувват беради. Тириклик бахш этади. Рассом ижоди ҳам худди шу каби мудраган қалбларга ҳис-туйғу, эҳтирос бағишлайди».

Мусаввир Намоз Султоновнинг ижод йўналишидаги ўзига хослик — у яратган рангларда она табиатга хос ёрқинлик ва улар орқали персонажларнинг ички кечинмаларини ифодалашда рангтасвир анъаналари, рангларнинг умумий уйғунлигида акс этади. Бу ҳолат рассом ижодида, айниқса, «Оналик»ни куйлашга бағишланган илк туркум асарларида яққол акс этган. Рассомнинг ҳаёт фалсафаси уфуриб турган илк ишлари «Бешик» ва «Оналик туни» асарларидир. Уларда одам ҳаётининг илк палласи, гўдак алласи ва бахтли аёл образи акс эттирилади. «Оналик» туркумидаги картиналари томошабин қалбини самимийликка йўғрилган узоқ болалик йилларига ошно этади.

Намоз Султонов профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси. Унинг ижодий солномаси кўпгина саҳифаларини портрет жанри эгаллайди. Мусаввирнинг "Гулистон", "Она", "Муқаддас", "Анор ушлаган қиз", "Марҳабо Бухорода" портретлари, "Сумалак", "Навоий Самарқандда", "Кашта", "Самарқанд сўзанаси", "Интизор" каби тематик йўналишдаги асарлари, монументал рангтасвир йўналишидаги "Мирзо Улуғбек", "Улуғбек юлдузлари", "Алломалар ва замонавий ёшлар" ҳамда "Бибихоним", "Шоҳизинда", "Гўри Амир", "Регистон" "Шоҳимардон" асарлари рассомнинг бу жанрда эришган ютуқларини ўзида мужассамлаштирган, дейиш мумкин.

Унинг портрет асарлари орасида ганчкор уста Иброҳим Шермуҳамедов, уста кулол Абдураҳим Мухторов, ҳайкалтарош Аҳмад Шоймуродов, шоир Душан Файзий ва самарқандлик талаба ёшлар сиймосини учратамиз. Бу портретларда муаллифнинг чуқур пластик ечим ва объект сиймосини бўрттириб ифодалаш маҳорати намоён бўлади. Рассом инсон руҳий ҳолатининг сўз билан ифода этиб бўлмас жиҳатларини тасвирлашга моҳир. У характерни ёркин ва аниқ ифодалаш билан бирга, ҳаётда тутган ўрни ёки касби-корини англатувчи белгиларни ҳам тасвирлашга интилади. Ранг-баранг образлар, характерлар галереясини яратишда эса композицион топқирлик, образнинг руҳий кечинмаларини чуқур акс эттира олиш, кескин ҳолатларни нозик ифода этиш хислатлари кўзга ташланади. Ҳаёт ҳақиқатини фаол қабул қилиш ва уни таъсирчан ифодалаш рассом ижодининг мезони ҳисобланади.

Н.Султоновнинг «Каштачи аёл», «Ўрмакчи аёллар», «Сумалак», "Мажнун" каби тематик асарлари халқ амалий санъати ва удумларининг анъанавийлиги, умрбоқийлигини кўрсатибгина қолмай, замондошларимиз қалбининг улуғворлиги, мусаффолигини, узоқ ўтмишдан бугунга, бугундан эса келажакка интилаётганини ҳам ифодалайди. Бу асарларида рассом она юртнинг бетакрор гўзаллигини куйлайди; атроф-муҳитнинг нақадар сержило ва кўркамлигини тасвирлайди.

Яқинда моҳир рассомнинг етмиш йиллигига бағишлаб хотира кўргазмаси намойиш этилди. Бухоро арки музейида сақланаётган «Ўғрининг жазоланиши» асари мусаввирнинг тарихий асарлар яратишда ҳам моҳир эканлигидан далолат беради. Тарихий муҳит акс этган картинанинг биринчи ва иккинчи планидаги ҳар бир унсурга алоҳида эътибор берилган. "Самарқанд палаклари" картинасида кашта тикаётган аёл қиёфаси орқасидаги кашта нақшлари билан уйғунлашиб кетган. Аёл қўлидан жилоланиб чиққан кашта буюмлари халқ амалий санъатининг гўзал намунасига айланган. "Қишлоғимнинг тўқувчи аёллари" асарини мавзу жиҳатидан бу ишнинг мантиқий давоми дейиш мумкин.

Мусаввирнинг ижодий сафарлари маҳсули сифатида яратилган «Орол» туркумидаги асарлари ҳам томошабинни фикрлашга чорлайди.

Н.Султонов вилоят, республика, халқаро миқёсда ўтказилган кўплаб кўргазмалар, анжуманлар ва танловларда қатнашган. Унинг кўпгина асарлари республикамиз кўргазмалари ва музейлари ҳамда хориж колылекцияларидан жой олган.

Намоз Султонов яратган кўплаб асарлар рассомлик санъатига кириб келаётган ёшлар учун катта тажриба мактаби вазифасини ўтаётгани билан ҳам эътиборлидир.

**Дилшода СУЛТОНОВА,**
**санъатшунос**



# ИЛҲОМБАХШ НАВОЛАР

Ўзбекистон давлат консерваториясида бўлиб ўтган Озарбойжон мумтоз муғомларига бағишланган концерт томошабинларда катта таассурот қолдирди. Дастур давомида устоз-шогирд анъанаси орқали бизнинг даврга қадар етиб келган чолғулар (чиғон танбури, най, рубоб, гафоре) қаторида, ўтмиш даврларда ишлатилган, ҳозирда эса уста созгарлар томонидан қайта тикланган бир қанча қадимий чолғулар овози ҳам янгради. Бу чолғулар, хусусан, руҳафзо, барбат, шаммома, арғанун, чанг-арфа асосан IX-XIX асрлар мобайнида мусиқа амалиётида кенг қўлланган.



Суратда: Фозила Раҳимова чанг-арфада куй чалмоқда.

Концертда Озарбойжонда хизмат кўрсатган артист Мунис Шарипов ва у раҳбарлигидаги анъанавий ансамбл иштирок этди. Ансамбл ижрочиларидан Мунис Шарипов (чағона), Совет Шарипов (барбат), Ичи Ҳасанов (чут — удсимон чолғу), Таранахоним (қонун), Ислом Исломов (қобус), Фозила Рагимова (чанг-арфа), Рустамбек (бум-бак), Рамин Асатуллаев (чобус) ноёб чолғуларда ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Улар ижросида озарбойжон мумтоз муғомлари янгради. Соз билан овоз уйғунлиги, қолаверса, юксак маънавият билан тўйинган мумтоз наволар тингловчиларга, хусусан, ёшларга завқ бағишлади.

**Фарангиз ЗИЯЕВА,**
**Консерватория талабаси**

## *Илмий анжуман*

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти "Халқ мусиқа ижодиёти" факултетининг "Чолғу ижрочилиги" кафедраси мустақиллик йилларида миллий мусиқа санъатининг ривожланиши мавзуида анжуман ўтказди.

Анжуман мавзуи баркамол авлод тарбиясида мусиқа санъатининг ўрни, миллий мусиқа асарларидан фойдаланиш масалаларига бағишланди. Бугун халқ мусиқа санъатини ижодий ўрганаётган композитор-бастакорларимиз яхши қўшиқлар яратиб, ўзбек мусиқа маданияти хазинасини бойитмоқда. Тадбир давомида Консерватория, Санъатшунослик институти, Низомий номидаги педагогика университети, Миллий рақс ва хореография олий мактаби, Маданият институти профессор-ўқитувчилари, вилоятлардаги санъат коллежлари педагог-устозлари, тадқиқотчилар, фаол магистрларнинг шу йўналишдаги маърузалари тингланди. Шунингдек, Қозоғистон республикасидан М. Ауэзов номидаги университет кафедра мудири Р. Касенова ҳам маъруза билан қатнашди.

Анжуман иштирокчилари тажриба алмашиш учун шундай тадбирларни мунтазам ўтказиш, мусиқий-назарий фанлардан турли ўқув юртлари учун адабиётлар яратиш зарурлигини таъкидладилар.

**Бахтиёр АЗИМОВ**

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Корхона ва ташкилотларга КУРЬЕРЛИК хизматини таклиф этади. тел: 233-57-47; 236-09-21 Сайт: www.pochta.uz

Ҳажвия

# ДЕҲҚОНМИСАН, ДЕҲҚОН!

Ҳаммаси шаҳардан қишлоққа борганимдан кейин бошланди. Биласизми, мен табиатан меҳнаткаш одамман. Бир ишга бел боғладимми, тамом, охирига етказмагунимча қўймайман. Ишлаётганимда на ейман, на ичаман. Ана шунақа: иш деса, томдан ташлайдиганлар хилиданман.

Адашмасам, ўтган йилнинг май ойлари эди. Қишлоққа борсам, иккита укам оёғини чайла қилиб ётибди. Салом-алик қилиб ўтирмадим.

— Бу нима аҳвол?! — дея бақириб бердим ҳовлига киришим билан.

Укаларим аввал бир-бирига қарашди. Сўнг ўринларидан сапчиб туриб, мен билан кўришмоқ учун олдимга югуришди.

— Мен сенларга ўхшаган танбаллар билан кўришмайман! — дедим ғўдайиб. — Одамлар меҳнат қилаяпти. Ер тимдалаб, бирон нима экиш тараддудида юрибди. Сенлар бўлсаларинг... Сенларни... Очиғи, укам дейишгаям уялади одам. Ётишларингни қара... Ялқовлар, тебса тебранмаслар!..

— Ака, ҳозир айни пешин маҳали, — деди катта укам безовталаниб. — Ҳозиргина даладан келдик. Тушлик қилиб олмоқчи эдик.

— Тушлик қилиб олмоқчи эмиш!.. Тушлик қиламан, деб атайин келдингларми уйга? Эрталаб нонингни бошингга тугиб кетсанг бўлмайдими?! Дала бошида нонни сувга ботириб еб, қоринни тўқлаб кетаверади-да. Ҳар дақиқа ғанимат бўлса. Бир кунни бекор ўтказсанг, ҳосилнинг ўн куни кечикади.

Бир пайтлар отам менга шундай деб танбеҳ берарди. Мана энди мен укаларимга уқтираяпман.

— Ака, шундоғам саҳардан бери тинганимиз йўқ. Озгина дам ҳам олиш керак-ку! Иш экан деб, жонимизни жабборга берамизми? — деди кичик укам.

Худди шу гапларни мен отамга айтгандим. Ёш эдим, ғўр эдим. Ҳозиргидай меҳнатсевар эмасдим. Аммо бунақа гапни бошқадан эшитсанг, оғир ботаркан.

— Қани, эски кийимларни опкелинглар, ўзим сизларга ишлаш қанақа бўлишини бир кўрсатиб қўяй, — дедим ғайрат отига миниб.

— Ака, қўйинг шу гапларни... Олдин кўришайлик. Бир пиёла чой ичиб, у ёқ-бу ёқдан гаплашайлик. Шаҳарга бормаганимизгаям анча бўлди. Шаҳарда нима янгиликлар бор, айтиб беринг. Эшикдан кирар-кирмас...

— Сен бола жа маҳмадона бўп кетибсан, — деб катта укамга ўдағайладим. — Мен сенлар билан кечқурун гаплашаман. Олиб чиқ эски кийимлардан.

Укаларим сувга тушган мушукдай бўлиб қолишди. Каттаси бир лаҳза жим тургач, кичигига имлади. Кейин айтганимни бажо келтиришди.

Шаҳарда жисмоний меҳнат кам, шунинг учун озгина тўлишганман, шекилли, илгари ўзимга кенг турадиган кийимлар анчагина тор келди. Лекин ғайратим жўшиб турганлиги боис бунга эътибор ҳам қилмадим. Кетмонни елкамга олдиму далага йўл олдим. Укам тўхтатди.

— Ака, жа далада ишлагингиз келаётган бўлса, манави бир челак макка дониниям олиб кетинг. Ерни текислаб қўйганмиз. Дон ивитилган, борибоқ экаверасиз, — деди.

— Ҳаҳ, ишёқмаслар, — дея унинг қўлидаги челакни юлқиб олдим.

Дон ивитилгани боис челак хийла оғирроқ экан. Лекин билдирмадим, укаларимга ўзимни кўрсатиб қўйишим керак эди-да.

Аммо са-а-л адашибман, қишлоқдан чиқар-чиқмас, челак сими қўлимни қийиб юборди. Ён-веримга, ортимга аланглаб, челакни чап қўлимга олдим. Битта-яримтанинг кўзи тушиб қолса, "Шаҳарда юравериб, хомлаб қопти", деган исноדга қолмайин, дедим-да.

Еримиз қишлоқдан узоғи билан ярим чақирим нарида. У ерларда ўйнаб катта бўлганман. Шу боис кўзимни юмиб, бемалол топиб боришим мумкин.

Йўлда қишлоқдошларимга дуч келаман. Кичиги салом беради, каттасининг иззатини жойига қўяман. Боягина уйга келаётганимни кўрганлар:

— Намунча, ҳозиргина уйингга кетаётувдинг-ку?! Ёки укаларинг: "Ишламасанг, уйга кирмайсан", дейишдими? — дея ҳазиллашишади.

— Йўғ-эй, — дейман илжайиб. — Дала ишини соғинибман. Шунга уйда ўтиргим келмади.

Далага етиб борганимда тузуккина ҳансираётганимни сезиб қолдим. Илгари битта аравани унча-мунча жойгача судраб борсам-да, чарчоқ нималигини билмасдим. Шаҳар мени анчагина нозиклаштириб қўйибди-да. Аммо чарчаганимни укаларимга сездирмаслигим керак. Бунинг учун, челакни ерга қўйишим билан кетмонни ишга солишим лозим. Шундай қилдим ҳам.

Шомгача астойдил ишладим. Кейин кетмон шўрликка ҳам дам бериб, кулочимни кенг ёздим-да, чуқур нафас олдим. Ўзиям ҳавомисан, ҳаво-да: сипқорганинг сайин танинг яйрайди, кучингга-куч қўшилиб, далада жавлон ургинг келади. Аммо чатоқ томони: қоронғи тушиб қолди-да...

Ноилож ишни тўхтатдим.

Агар ичидаги дони яримлаган челакни яна уйга кўтариб кетсам, ғирт аҳмоқлик бўлар эди. Шу боисдан чуқурча қазиб, уни кўмиб қўйдим.

Ювиниб, дастурхон бошига ўтирганимда, укаларим ҳиринглашди.

— Ҳим-м, бормаганларингга хурсанд бўлаяпсанларми? — дедим кесатиб.

— Йўқ, унгамас, ака, сиз келиб, ишимиз анча енгиллашди. Ҳовлида юмушлар кўпайиб қолган эди. Бир йўла шуларниям тугатиб олайлик, деб бормадик-да. Кўзингиз юмилиб кетаяпти, бу аҳволда овқат ҳам ея олмайсиз чоғи, — деди катта укам оғзининг таноби қочиб.

У ҳақ эди. Ҳақиқатан ҳам силлам қуриганди. Лекин мени биласиз, бўш келадиганлардан эмасман. Дарров ҳужумга ўтдим.

— Сенларга қўшимча ер ҳайф, яхшиям таътилга чиқиб келибман. Маккани ўзим экиб, ўзим ўстираман, — дедим.

Ундан кейин яна нималар деганим эсимда йўқ, ухлаб қолибман.

— Ака, жойингизни солиб берайликми? — деди укам.

Унга жавоб қайтаришга-да ҳолим йўқ эди.

Эртасига, индинига... Ўн кун тинмай меҳнат қилдим. Ишонасизми, илк қадаган уруғларим кўкариб чиқди. Ҳатто барглари сўлиб, сувга келиб қолганини сездиришди. Бироқ ҳали-бери суғора олмасдим. Чунки охирги экилганлари ҳали ернинг ҳидиниям олиб улгурмаган эди-да. Шу гапларимнинг ўзиданоқ ерга қанчалик меҳр бериб ишлаганимни сезган бўлсангиз керак. Ахир тўрт сотих ер ҳам унча-мунчамас-да, тўғрими? Агар мендан бошқа одам бўлганда бир ой экарди. Тўғри, ярим кунда чала-чулпа қилиб сепиб чиқишлариям мумкин. Лекин унда... Билсангиз, мен ҳар битта уруғни қўлимга олиб, авайлаб, артиб, юзимда табассум билан ерга қададим. Меҳр-муҳаббат кўрсатдим. Шунинг учун маккажўхорилар кўзимни қувнатиб, кўкариб чиқди.

— Кўриб қўйинглар, — дея ғўдайдим уйга бориб. — Мен эккан маккалар бўй чўзди. Ҳализамон тиззага урди.

— Ака, тўрт сотих ерни ўн кун эрмак қилдингиз, — деб кулди шумтака кичик укам. — Шу, боши кўкариб, охиргиси нима қиларини билмай турган бўлса керак.

— Сен аканг билан ҳазиллашма. Нима бўлгандаям гап ҳосилда. Менинг маккаларим шунақанги ҳосил берсинки, ҳовлингга сиғмай кетсин.

Укам жим бўлди. Бошқа иложи ҳам йўқ, менга гап топиб бўлармиди?..

Кунлар ортидан кунлар, ҳафта ортидан ҳафта ўтди. Маккаларим ҳақиқатан ҳам кўкка бўй чўзди. Улар бўйига қараб саф тортган аскарларга ўхшарди. Бошидагилари томга тенглашса, адоғидагилари тиззамдан келарди. Лекин мен қайғурмадим. Чунки гап унинг сўтасида. Сўтаси қанча катта бўлса, дониям шунга яраша бўлади.

Бир куни саҳармардонда, соат тахминан ўнлардан ўтганда даламизга борсам, маккаларим орасида тўрт-бешта бузоқни аллақачон дунёга келтириб, елинини сутга тўлдириш учун келган говмиш юрибди. Жон-поним чиқиб кетди. Ахир бу маккаларни одам қилгунимча озмунча тер тўкдимми? Ҳаттоки ишхонамдан қўшимча яна бир ой таътил ҳам олдим. Говмиш бўлса, шунча заҳматимга тупуриб, маккаларни босиб, янчиб, еб юрибди. Бундай кўргиликка қандай чидайсан?!

Бир хаёл уни ҳайдаб чиқиб, обдан калтакламоқчи бўлдим-у, дарров шаштимдан тушдим. Сигир ҳайвон бўлса, у нимани ҳам тушунарди? Яхшиси, эгаси келсин, ана ундан кейин гаплашаман.

Нақ бир соат ер бошида у ёқдан-бу ёққа бориб-келиб юрдим. Оёқларим оғриб кетди. Лекин дам олмадим. Бориб келавердим. Ўзимча говмишнинг эгасига айтадиган бир-биридан аччиқ гапларни ҳам режалаштириб қўйдим. Албатта, бу вақт ичида сигир ҳам бўш тургани йўқ. У худди отасининг пайкалида юргандай, макка баргларининг энг сараларини териб ер, поясини эса ер билан битта қилиб янчаётганди. Жоним ҳалқумимга келди. Бироқ сабр-бардош билан чидадим. Ниҳоят, сигирнинг бефаросат эгаси келди. Бу пайтда сигир макканинг ярмидан кўпини пайҳон қилиб бўлган эди.

— Ҳов! — деб бақирдим эриниб-гина келаётган одамга. — Анави сигир сеникими?!

У мен кўрсатган томонга қаради. Говмишини таниди.

— Сеникими?! — сўрадим қайта дағдаға билан.

— Ҳа, лекин узр...

— Қанақа одамсан? Эрталабдан бери сигиринг макка ичида юрибди, ҳаммасини пайҳон қилиб ташлади! Биласанми, бу маккаларни одам қилгунимча қанча меҳнат қилганман? Одам ҳам шунчалик бефаросат бўладими?! Ана келар, дейман, йўқ, мана келар, дейман, йўқ...

— Ака, — деб гапимни бўлди у, — эрталаб келган экансиз, дарров ҳайдаб чиқармайсизми?

— Ҳой, инсон, ҳайдаб чиқарганимда, сигиринг менинг маккамга тушганига ишонмасдинг-да!..

Говмишнинг эгаси менга анграйганча қараб қолди. Кейин ҳеч нарсага ақли етмай, югурганча маккапоя ичига кириб кетди...

Орадан бир-икки кун ўтди. Қишлоқда ким кўрса, кулиб, менга ишора қиладиган одат чиқаришди. Кейин билсам, "Фалончи макка келаяпти", деб орқамдан кулишаркан. Алам қилди менга. Бор-эй, қишлоғингни елкамнинг чуқури кўрсин дедим-да, бошимни олиб, шаҳарга қайтиб кетдим...

**Нуриддин ИСМОИЛОВ**

Соғлигинг — бойлигинг

# ҚАНД ХАСТАЛИГИ

## Унга чалинмаслик учун нима қилиш керак?

**Ҳозир жаҳонда 250 миллион киши қандли диабет касалидан азият чекади. Яна беш юз миллион киши эса бу хасталикка чалинишга мойилдир. Қанд касали билан боғлиқ ўлим ҳоллари юрак инфаркти боис келиб чиқадиган ўлим миқдоридан кам эмас.**

— Қонида қанд миқдори 3,5-5,5 ммоль/л.дан ошганлар шу хасталикка учраган ҳисобланади, — дейди академик И.Дедов. — Қонда қанд миқдори ошиши организмда жуда кўп ўзгаришларни келтириб чиқаради. Энг аввало, ёғлар, оқсил, сув-электролит, микроэлементлар алмашинуви бузилади. Кейинчалик бу жараён кучайиб, деярли барча аъзоларни шикастлай бошлайди. Кўриш қуввати пасайиб кетади. Оёқ бармоқлари учида гангрена ривожланади, буйрак ва юрак хасталанади. Қандли диабетнинг энг хатарли томони шундаки, оғриқларга ва инфарктга беморнинг сезувчанлиги пасаяди, совуқ уриш ва куйиш ҳоллари белгисиз кечади.

— Хўш, бу хасталикдан қандай сақланиш мумкин?

— Энг муҳими, ҳамма нарсада, айниқса, овқатланиш ва жисмоний ҳаракатда меъёрни сақлай билиш керак. Ҳаёт ва иш ташвишлари билан боғлиқ асабий толиқишлар қанд касалига олиб келиши мумкин. Кўпинча одамлар мураккаб асабий ҳолатларга барҳам бериш учун курашмайдилар ва стрессни тўйиб овқатланиш билан енгишга ҳаракат қиладилар. Одатда, асабий толиқиш иштаҳани очиб юборади. Организм шундай тузилганки, асабий ҳолатда истеъмол қилинган таомлардаги ёғлар қорин ва тиззада йиғилиб, яна ва яна таом истеъмол қилишга ундайверади. Бундай пайтларда одам ўзини ортиқча таомдан тия билмоғи керак. Соғлигини ўйлаган киши стресс ҳолатларда кўпроқ сайр қилиши, велосипед ҳайдаши ва бошқа машғулотлар билан шуғулланиши, шунингдек, оддий овқатларга қаноат қилишга ўрганиши зарур.

Бугун Скандинавия мамлакатлари аҳолиси узоқ умр кўриш ва соғлом яшаш жиҳатидан жаҳонда энг юқори ўринда. Улар бой бўлганлари учун эмас, соғлом турмуш тарзига риоя этганлари учун шу даражага эришган. Энг бой ҳисобланган Америкада эса, вазни ошиб семириб кетганлар ва қанд касалига учраганлар тўлиб-тошиб ётибди. Қанд хасталиги одамларни ҳушёрликка чорлаши керак. Ҳаётда бойлик, маблағ тўплаш, қўша-қўша машина ва данғиллама уй-жой қуриш учун ўзини ўтга-чўққа уришдан сақланиб, саломатликни асрай билиш энг катта давлатдир.

Кўпчилик гречкани қанд хасталигига учраганлар учун асосий таом ҳисоблайди. Аслида ундай эмас. Гречкада ҳеч бир алоҳида хусусият йўқ. Бу кейинги йиллардаги тадқиқотлар натижасида аниқланди. Қаттиқ буғдой навларидан тайёрланган макарон эса фойдалироқ. У қондаги қанд миқдорини оширмайди, тариқ ёрмасидан тайёрланган бўтқа янада фойдалидир. Пектин толалари бўлган маҳсулотлар таомларда кўп бўлгани тузук. Улар турли ёрма ва сабзавот салатларида бисёр. Гўшт маҳсулотлари орасида энг мақбули янги сўйилган қўй ва парранда гўшти ҳисобланади. Чекишдан эҳтиёт бўлиш керак. Асал, узум ёки қовун-тарвузга кўнгил кетса, оз миқдорда татиб кўриш мумкин. Фақат бунинг эвазига жисмоний ҳаракатларни ошириш лозим бўлади. Ҳамма нарсанинг меъёрида бўлишига одатланинг, энг муҳими вазн ошишига йўл қўймаслик керак.

* * *

- Табиий хамиртурушлар қўшилган нонни кўпроқ тановул қилинг;
- табиий шакли ўзгарган сабзавот ва меваларни истеъмол қилманг;
- имкониятга қараб маргариндан воз кечинг. Маргарин бошқа мақсадларда фойдаланишга яроқсиз ўсимлик мойларидан олинади. Ундаги ёғлар организмга фойдасиз бўлиш билан бирга жигарни зарарлайди;
- тухумни пўчоғидан ажратган ҳолда пиширинг. Чунки тухум пўчоғида заҳарли моддалар кўп. Тухум қайнатилганда ана шу моддаларнинг бир қисми оқсилларга ўтиб қолади;
- сабзавот ва мевалар табиий дармондоридир. Сунъий дармондорилар ўрнига табиий неъматлардан фойдаланишга ҳаракат қилинг;
- колбаса ва сосискадан воз кечсангиз янада яхши. Негаки, унга соя кўп қўшилади. Сояда эса ҳазм бўлмайдиган ферментлар кўп.
- сунъий ширинлик (аспартам) қўшилган ичимликлардан воз кечинг. У асаб тизимини издан чиқариши мумкин.

* * *

**Бўғим оғриқларига қандай муолажа самарали таъсир кўрсатади?**

— Бўғимларнинг ўз қон-томири йўқ. Барча ҳаётий зарур моддалар қон томирлар ва капиллярлар орқали боради. Бўғимлардаги қон томирлар яхши ишлаши учун асалари заҳридан олинган моддалар самарали таъсир кўрсатади. Асалари заҳри бўғимларни юқори калорияли "озиқ" — аминокислоталар, микроэлементлар ва дармондорилар билан таъминлайди. Бунинг учун бўғимларни асаларига чақтириш шарт эмас. Дорихоналардаги "Софья" кремини суртиш кифоя. Бу крем ўн бешдан ортиқ доривор гиёҳларнинг экстракт ва ёғлари билан бойитилган. Таркибида табиий биостимулятор ҳисобланган мўмиё ва коллагенлар ҳам мавжуд.

* * *

**Шовқин юракни нишонга оладими?**

— Олтмиш беш децибел (дБ)дан юқори бўлган доимий шовқин ҳамда 80-85 дБ даражасидаги шовқиннинг қисқа вақт ичидаги таъсири ҳам юрак қон-томир тизимлари учун хавф туғдиради, — дейди кардиолог шифокор А.Долецкий. — Шовқин организм учун стресс ҳолатини пайдо қилади, яъни шовқин кучайганда қонда стресс гормонлари ошиб кетади. Натижада, қон босими ошади, юрак уриши тезлашади. Периферик томирларда спазм ҳосил бўлади. Қон қуюқлашиб, холестерин миқдори ошиб кетади. Агар бунинг устига тамаки тутуни ҳам қўшиладиган бўлса, инфаркт ва инсультга чалиниш хавфи ошади.

*"АиФ"нинг 45-сонидан.*

# "ОНАЖОНИМ — ТОШКЕНТИМ"

— Ойижон, шаҳримиз нега Тошкент деб аталади?

Тўсатдан берилган бу савол онани бироз ўйлантириб қўйди. Кейин қизчасининг бир олам қизиқиш билан сўраган саволига эринмай жавоб берди.

Яқинда автобусда гувоҳ бўлганим бу воқеадан таъсирландим. Тўғриси, ўша қизалоқдан ҳам кўпроқ хурсанд бўлдим, десам мубо-



лаға бўлмайди. Зеро, ёш авлод ўзи яшаб турган шаҳри, тумани ёки маҳалласи тарихини билиши унинг келажакда чин маънода ҳақиқий юрт фарзанди бўлиб улғайишида беқиёс аҳамиятга эга. Болага илк таълим-тарбияни, албатта, ота-онаси, кейинчалик мактабдаги устозлари беради. Бунинг учун эса уларнинг ўзлари бу борада етарли билим ва салоҳиятга эга бўлишлари лозим.

Олий тоифали ўқитувчи, адабиётшунос Гулжамила Аъзамхўжаева ҳам мана шундай ибрат бўлишга лойиқ устоз, она ва набираларининг севимли бувижониси. Унинг 2009 йили "Янги аср авлоди" нашриёти томонидан чоп этилган "Онажоним — Тошкентим" номли адабий-бадиий рисоласида пойтахтимиз ҳақида талай қизиқарли маълумотларни топиш мумкин. Рисолада Тошкент тарихи, истиқлол даврида қурилган бири-биридан гўзал, миллийлик ва замонавийликни

Доимий ҳамроҳ

ўзида уйғунлаштирган бинолар, истироҳат боғларию таълим даргоҳлари, музей, тарихий-меъморий обидалар ҳамда шаҳарнинг машҳур ўн икки дарвозаси тарихига оид лавҳалар берилган. Булардан ташқари, бу қутлуғ масканда туғилиб вояга етган мўътабар зотлар, эл орасида ўз илми, ҳунари, ҳалол меҳнати билан эъзоз топган олиму санъаткорлар, моҳир ҳунармандлар ҳақида ҳикоя қилинган.

Муаллиф ўзи туғилиб ўсган туман, маҳалласи тарихини пухта билишини, шундай жойда яшаётганидан мамнунлигини тўлқинланиб тасвирлаганки, ўқиб беихтиёр устоз муаллимага ҳавас қиласиз. Аслида ҳар биримиз учун киндик қонимиз тўкилган маскан ўтмиши, унда яшаган инсонлар ҳақида билиш ҳам фарз, ҳам қарз. Зеро, Ватанга муҳаббат ўз туғилган маконингга меҳрдан бошланади.

Гулжамила опанинг бобоси ҳақидаги хотираларини ўқиб, инсон матонати, меҳнатсеварлиги, ҳалоллиги у бу дунёдан ўтгандан кейин ҳам яқинлари, дўстлари қалбида мангу яшашига яна бир бор амин бўламиз. Собиқ мустабид тузум даврида Йўлдош қадоқчи бобо сингари ватандошларимиз доим халқ дарди, ташвишига шерик бўлишни ўз бурчлари, деб билишган. Улар ҳақида эшитганимизда қалбимиз фахр-ифтихорга тўлади.

Рисолада адолат, озодлик тантанаси учун курашган фидойи инсонлар ва уларнинг мустабид тузум даврида қатағон қилингани, ҳатто қабрлари ҳам номаълумлиги ҳақидаги лавҳаларни ўқир эканман, бугунги тинчлик, тўкин-сочинликка шунчаки эришилмаганини, дориломон кунларимиз қадрига етиш биз ёшларнинг бурчимиз эканлигини чуқур ҳис қилдим. Муаллиф ҳам мана шундай тушунча ва фазилатларни мурғак қалбларга сингдирувчи устоз эканы мазкур лавҳалардан аниқ-тиниқ аён бўлиб турибди.

Яна рисолада аждодлардан мерос ҳунарлар ҳақида ҳам батафсил сўз юритилган. Муаллиф чеварлик, чегачилик касблари тўғрисида бобоси ва бувиси мисолида маълумотлар беради. Рисола сўнгидаги изоҳларда тушунилиши қийин бўлган атамалар шарҳланган.

Мазкур адабий-бадиий нашрни нафақат ўқувчию талабалар, балки ота-оналар ҳам ўқишларини истардим. Зеро, ўтмиши, аждодлари қандай инсонлар бўлганини билиш китобхон қалбида она-заминимизга, халқимизга муносиб бўлишга интилиш ҳиссини янада оширади.

**Моҳира ОТАБОЕВА,**
**Жаҳон тиллари университети талабаси**



— Ойижон, мана буни қаранг!

Ёлқин ШАМСУДДИНОВ (ЎзА)олган сурат.

Тошкент политехника институти томонидан 11. 1991 йил № ФВ № 928287 рақам билан Раззоков Шавкат Расулович номига берилган диплом йўқолгани сабабли бекор қилинади.

* * *

Тошкент шаҳар, Чилонзор туман ҳокимлиги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан рўйхатдан ўтган "LODOS-ART-AUDIT" МЧЖ таъсисчининг 2010 йил 23 ноябрдаги № 1 сонли қарорига мувофиқ тугатилади (инн-202223640). Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой давомида Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек кўчаси 32 А уйда қабул қилинади.

* * *

Тошкент давлат иккинчи тиббиёт институти томонидан 1998 йили Кучкарова Дилдора Нуриллаевна номига берилган №184666 рақамли йўқолган диплом бекор қилинади.

* * *

Тошкент шаҳар Миробод тумани ҳокимлиги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўлими томонидан 08.09.2005 йили № 001116-13 рақами билан рўйхатга олинган. "ORZU MEBEL" ХК (ИНН 205808874) тугатилади. Эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой давомида қабул қилинади. Тел: 291-14-92.

* * *

Утерянный аттестат о среднем образовании А № 033442 выданный в июне 1995г. средны школой №5 г.Ангрена Ташкентской области на имя Ураловой Матлюбы Ибрагимовны считать недействительным.

* * *

Тошкент вилояти Қибрай тумани ҳокимлиги томонидан 21.01.2000 йили № 309 рақам билан Куранбаев Абдулла номига берилган ер участкасига эгалик ҳуқуқини берувчи йўқолган давлат ордери ("Элевер Зигота" хўжалиги) бекор қилинади.

* * *

Тошкент давлат Техника университети томонидан 2005 йили В №230913 1249 ВК рақами билан Пак Дмитрий Вячеславович номига берилган йўқолган диплом бекор қилинади.

* * *

17.02.93 йили №09-02/5540 рақами билан Каримова София Усмановна номига берилган квартирага эгалик ҳуқуқини берувчи йўқолган давлат ордери бекор қилинади.

* * *

Колпаксиди Галина Васильевна номига берилган Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, 17а уй, 74-хонадонга тегишли қуйидаги ҳужжатлар: — Чилонзор тумани БТИ томонидан берилган квартира плани; — 19.10.2004 йил №08-01/28756 рақамли квартирага эгалик ҳуқуқини берувчи давлат ордери йўқолгани сабабли бекор қилинади.

* * *

Тошкент шаҳар Яккасарой тумани "MEDIA SOVET" МЧЖ (ИНН 300588541) таъсисчиларнинг 25.11.2010 йил №3 рақамли қарорига мувофиқ тугатилади. Эътирозлар икки ой давомида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Бобур кўчаси 3.

* * *

Ҳамза тумани БТИ томонидан Фарғона йўли кўчаси 4-уй 74-хонадонга тегишли бўлган Джураева Захро Салмановна номига берилган қуйидаги ҳужжатлар йўқолгани сабабли бекор қилинади: — квартира плани; — уй дафтари; далолатнома (квартирага эгалик ҳуқуқини берувчи давлат ордери); — квартирани совға қилиш бўйича шартнома.

* * *

Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги "Mirkomol — Fayz — TEKS" МЧЖ нинг қуйидаги манзилларда жойлашган дўконларга тегишли йўқолган кадастр ҳужжатлари бекор қилинади: — Мирзо Улуғбек тумани Гулсанам ва Юзрабод кўчалари кесишган жой; — Мирзо Улуғбек тумани Буюк ипак йўли кўчаси "Болалар сил касалликлари"; — Мирзо Улуғбек тумани Буюк ипак йўли ва Юзрабод кўчалари кесишган жой; — Мирзо Улуғбек тумани А.Югнакий кўчаси 40г.

* * *

"OPTIMUM-BUILDING" Ўзбек-Россия МЧЖ ҚК "OPTIMUM-BUILDING" МЧЖ деб қайта ташкил этилганини маълум қилади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси «Ижод» жамоат фонди уюшма аъзоси

**Ўрол ЎТАЕВ**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: "ШАРҚ" НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91 Электрон манзилимиз:
Котибият — 233-49-93 info@uzas.uz
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50 Санъат бўлими: 236-56-48
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 236-58-55 Назм ва наср бўлими: 236-58-55

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ

Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Масъул котиб – Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир— Гулчеҳра УМАРОВА
Саҳифаловчи — Элёр МАҲМУДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 00.00

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0283-рақам билан рўйхатга олинган. А — 4230. Буюртма Г — 1048. Ҳажми — 5 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН